ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 274 (5865).

28

Ноябрь 1985 й.

ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

Халқ бахт-саодати — Коммунистик партиянинг олий мақсадидир. Партия Советлар мамлакатини тинчлик ва социал тараққиёт йўлидан қатъият ва изчиллик билан бошлаб бормоқда. Барча совет кишилари КПСС XXVII съездига умумхалқ тайёргарлиги кунларида партиянинг ленинча сиёсатини ўз меҳнатлари билан пухта равишда таъминлашга интилмоқдалар.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси ишчанлик кайфиятида, нуқсонларга муросасизлик руҳида, жамият социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлларини коллектив бўлиб излаш вазиятида ўтмоқда. 27 ноябрь куни сессия Катта Кремль саройида палаталарнинг қўшма мажлиси билан бошланди.

М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Н. В. Тализин, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Иттифоқ Советининг Раиси **Л. Н. Толкунов** мажлисда раислик қилди.

Иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани тўғрисида ва 1985 йилги план қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала юзасидан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат **Н. В. Тализин** якунловчи нутқ сўзлади.

Миллатлар Совети ва Иттифоқ Совети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат планини ҳар томонлама муҳокама қилди, деди у.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссияларининг хулосасида, шунингдек, депутатларнинг нутқларида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси қоидаларига ҳамда ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган Асосий йўналишлар лойиҳасида белгиланган топшириқлар асосида ишлаб чиқилганлиги айтилди.

Доимий комиссияларнинг иши натижаларига кўра ҳамда ушбу сессияда планни муҳокама қилишда муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш айрим тармоқларини ривожлантириш хусусида конкрет таклифлар киритилди.

Шу вазифаларни ҳал этишда хўжалик юритишнинг янгича шароитларига ўтказилган корхоналар ишлаб топган маблағлар ўтган йиллардагига нисбатан тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Улар ишлаб топган маблағлар салмоқлидир. 1986—1987 йилларда бутун саноат янгича шароитларда ишлай бошлайди.

Социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди маблағларидан социал эҳтиёжлар учун янада тўлароқ ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқди.

Депутатларнинг нутқларида савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизматни яхшилаш борасида истаклар айтилди. Барча министрликлар, идоралар, иттифоқдош республикалар халққа сифатли мол ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ҳар хил хизматларни муҳайё этиш масалаларини доимо қатъий назоратда тутишлари зарур.

Депутатлар фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш ишлари ҳажмини кўпайтириш, тармоқлар ва мамлакат регионларини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча объектларни ишга солиш муддатларини қисқартириш зарурлигини айтдилар.

(Давоми тўртинчи бетда.)



Суратларда: Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси. Минбарда — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев.

ТАСС-ЎзТАГ телефотоси.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари депутат М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Депутат ўртоқлар!

СССР Олий Советининг ушбу сессияси муҳокамасига Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари киритилган.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани ҳамда Давлат бюджети тўғрисида шу сессияда қабул қилинган Қонунлар мамлакатимиз учун, унинг ҳозирги куни ва келажаги учун, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир совет оиласи учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Яқинлашиб келаётган 1986 йил ўн иккинчи беш йилликнинг шунчаки биринчи йилигина бўлмайди, у совет жамиятини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беради.

1986 йилги план партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш мақсадини кўзловчи стратегик йўлини акс эттиради. Унда миллий даромадни, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини кўпайтиришнинг, меҳнат унумдорлигини оширишнинг анча юқори суръатлари белгиланган. Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Фан-техника тараққиётини, маҳсулот сифатини оширишни таъминлаб бериши лозим бўлган тармоқларни устун даражада ривожлантириш белгиланган.

Ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, янгилаш ва модернизациялашни жадаллаштириш, бошқарувни ва хўжалик механизмини такомиллаштириш тадбирлари белгиланган. Халқ фаровонлигини янада ошириш кўзда тутилган.

Ўртоқлар, ҳаммамиз 1986 йилги планнинг хусусиятларини ҳамиша эсда тутишимиз муҳимдир.

Беш йилликнинг биринчи йилидаёқ бутун беш йилликка аниқ-пухта маром бағишланиши лозим. Шунга асосланиб, 1986 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари кейинги йилларда тиғизликни босқичма-босқич кучайтира борган ҳолда умуман беш йиллик топшириқларини амалга ошириш даражасига чиқиб олишни таъминлайдиган тарзда кўзда тутилган. Бу эса охирги беш йилликда рўй берган аҳвол такрорланмаслиги имконини беради. Унинг дастлабки йилларига пасайтирилган кўрсаткичлар белгиланган, асосий ўсиш эса охирги йилларга сурилган эди. Бундай иш қандай салбий натижаларга олиб келганлиги маълум.

Планнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш зарурлигини энг кўп даражада ҳисобга олиб тузилиши — унинг иккинчи хусусиятидир. КПСС Марказий Комитетида июнь ойида ўтказилган кенгаш йўл-йўриқларига асосланиб, планга, биринчи навбатда, халқ хўжалиги тармоқларида фан ва техниканинг энг муҳим йўналишларини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган фан-техника тараққиётини жадаллаштириш топшириқлари киритилган. Айни вақтда планлаштиришда таркиб топган қоидалар кўп жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Планда тармоқлар фан-техника тараққиётининг, унинг самарадорлигининг ғоят муҳим умумлаштирувчи кўрсаткичлари биринчи марта кўзда тутилган. Бу кўрсаткичлар ҳам министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг фан ва техникани ривожлантириш илғор марраларига чиқиб олишни таъминлаш борасидаги амалий ишларини активлаштириш мақсадида белгиланади.

1986 йилги планнинг навбатдаги хусусияти — унинг хўжалик юритиш интенсив методларига амалда ўта бошлашга қаратилганлигидир. Буни ҳаётнинг ўзи, меҳнат ва материал ресурсларида таркиб топаётган мураккаб вазият, экономикани ўстиришнинг асосан экстенсив омиллари тугаб бораётганлиги тақозо этмоқда. Келгуси йил биз ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши ресурсларни тежаш ҳисобига мумкин қадар кўпроқ даражада таъминланишига эришишимиз лозим. Бошқача сўзлар билан айтганда, тежамкорлик амалда ишлаб чиқариш ҳажмлари бутун ўсишини ресурс билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлиб қолади. Қуйидаги рақамлар шундан далолат беради. Келгуси йили миллий даромад ўсишининг 97 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билан эришилади, миллий даромадга металл сарфи 2,7 процент, энергия сарфи эса 3 процент камаяди.

Ва ниҳоят, ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатган хўжалик юритишнинг янги методларига кенг миқёсда ўтила бошлайди. 1986 йил январидан бошлаб саноатда янгича шароитда ишлаётган корхоналарда жами маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи ишлаб чиқарилади.

Умуман, тўғри йўл тутилди, ўртоқлар. Энди биз бу йўлни — тармоқларда, республикалар, ўлкалар ва областларда, бирлашма ва корхоналарда ва, ўз-ўзидан равшанки, конкрет амалий ишда планларни янада пухта ишлаб чиқиш жараёнида рўёбга чиқаришимиз лозим. Ишнинг шу жиҳатини таъкидлашнинг яна бир боиси шуки, марказдаги ва жойлардаги, жумладан, план-экономика органларидаги кўпгина ходимлар мамлакатнинг иқтисодий, социал ва молиявий проблемаларини янгича баҳолаб ҳал этиш муҳимлигини ҳали ҳам охиригача тушуниб етганлари йўқ.

Бу галги сессия жуда масъулиятли съездолди даврида ўтмоқда. Марказий Комитетнинг апрель Пленуми жамиятни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини ишлаб чиқди, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишга ёндашувларда катта ўзгаришларга асос солди, партия, давлат, совет ташкилотларининг, барча кадрларимиз ва меҳнат коллективларининг бутун фаолиятига янги маром бахш этди.

КПСС XXVII съездининг муҳокамасига қўйиладиган жуда муҳим назарий ва сиёсий ҳужжатлар — КПСС янги таҳрирдаги Программаси, партия Уставига киритиладиган ўзгартишлар лойиҳаларида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида партиянинг ҳам ички турмуш масалаларига, ҳам халқаро проблемаларга оид сиёсий йўли ғоят тўла-тўкис акс эттирилган.

Партиянинг халқ билан бошлаб юборилган катта кенгаши дастлабки якунлари муҳокамага қўйилган ҳужжатлар совет кишиларини ғоят мамнун қилаётганидан далолат беради. Партиянинг стратегик йўли актив қўллаб-қувватланаётганлиги, сўз ва иш билан қўллаб-қувватланаётганлиги — бизга зўр умидворлик манбаи бўлиб, танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигига, белгиланган режалар албатта бажарилишига ишонч манбаи бўлиб хизмат қилади. **(Давомли қарсаклар).**

Депутат ўртоқлар, кейинги вақтларда партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати экономикани интенсив ривожланиш изига ўтказишни жадаллаштириш, халқ хўжалигини бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча катта тадбирларни кўрдилар. Янада яхшироқ тартиб ўрнатиш, меҳнат ва давлат интизомини, жуда қаттиқ тежамкорлик режимини мустаҳкамлаш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш соҳасида амалий қадамлар қўйилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида катта, жўшқин ишлар авж олдириб юборилди, бу ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самараларини бера бошлади.

Ҳозир турмушимизга сингиб бораётган янгиликлар совет кишиларига илҳом бахш этди, уларнинг ижодий кучига куч қўшди, социалистик тузум замирида нақадар зўр резерв ва имкониятлар яшириниб ётганини яна ва яна кўрсатди.

Ҳозир биз қатъий қилиб айта оламиз: ишлар яхшилик сари ўзгара бошлади. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари ошмоқда, бошқа иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Халқ хўжалигининг баъзи тармоқлари йил бошида бирмунча оқсаган бўлишига қарамай, совет кишилари аҳволни тўғрилаб олишга, экономиканинг планлаштирилган марраларга чиқишини таъминлашга муваффақ бўлдилар. Мамлакатнинг аграр секторида ҳам ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Эришилган ютуқлар куч ва ғайратини аямай, қийинчиликларни енгиб, белгиланган режаларни бажариш учун ҳамма ишни қилган қаҳрамон ишчилар синфимизнинг жуда катта хизматидир. Ижобий якунлар — колхозчи-деҳқонлар, агросаноат комплекси барча ходимлари шижоатли меҳнатининг натижасидир. Олимлар, инженерлар, халқ зиёлиларининг ижодий фикри ютуқларимизда намоён бўлди. Қийин ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга зўр ғайрат билан дадил киришаётган, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни бажонидил қўллаб-қувватлаб, ўз келажагини шу ўзгаришлар билан боғлиқ деб билаётган совет ёшлари кўпгина муҳим янгиликларнинг жонкуяри ва ташаббускори бўлдилар.

Бу ўзгаришларни биз партия, совет ва касаба союз органларининг, барча кадрларимизнинг фаолияти активлашганлиги билан ҳам боғлиқ деб биляпмиз.

Хуллас, кўп иш қилинмоқда, депутат ўртоқлар. Бироқ бу ишларга ортиқча баҳо бериш хато бўлур эди, бундай қилиш бизнинг анъанамизга тўғри ҳам келмайди. Биз белгиланган йўлнинг — ҳаёт ўртага қўяётган вазифаларга ижодий ёндашишни собитқадамлик, юксак интизом, фидокорлик билан бирга қўшишни талаб қиладиган мураккаб, қийин йўлнинг илк босқичида турибмиз. Бизнинг резервларимиз ва имкониятларимиз жуда катта, шу резерв ва имкониятларни ишга солиш, улардан энг кўп самара берадиган тарзда фойдаланиш учун обдан меҳнат қилиш лозим. Иқтисодий, социал ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида шундай қилиш керак. Аввало вазият мураккаб бўлиб турган, қолоқлик эса суст бартараф этилаётган жойларда шундай қилиш лозим.

Биз келгуси йилдан олға томон дадил ва жўшқин ҳаракат қила бошлашимиз учун белгиланган марраларга эришилишини таъминлашимиз, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан яна ўзгартиришга шарт-шароит яратиш учун беш йиллик тугай деб турган ҳозирги пайтда ҳам яхшироқ ишлашимиз керак.

Ўртоқлар! 1986 йил плани режаларимизнинг тинч, бунёдкорлик характерини яққол намойиш этиб турибди. Бизнинг ташқи сиёсат бобидаги муддаоларимиз, Совет давлатининг халқаро сиёсати ички сиёсатимизнинг мана шундай тинчлик мақсадларини кўзлаши билан чамбарчас боғланган.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг ташқи сиёсат соҳасидаги йўл-йўриқлари ҳозирги босқичдаги ленинча ташқи сиёсатнинг конкрет ифодаси бўлди. Пленум халқаро муносабатлар энг кенг жабҳаси бўйлаб СССРнинг тинчликсеварлик сиёсатини ҳар томонлама активлаштириш зарурлигини таъкидлади. У милитаризм ва агрессия кучлари устун бўлиб кетмаслиги учун ҳамма ишни қилишга чақирди, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш жараёнини активлаштириш зудлик билан ҳал этиладиган вазифа эканини таъкидлади, давлатлар ўртасидаги цивилизацияга хос муносабатларни текис, сиполик билан ривожлантириш зарурлигини, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини ёқлади.

Пленум замон тақозоси билан вужудга келган вазиятнинг хусусиятларини, социалистик тинчлик ва тараққиёт сиёсатининг талабларини эътиборга олиб шундай йўл-йўриқлар берди. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ўз йўл-йўриқларида давом этаётган қуролланиш пойгаси натижасида ўйланмаган тасодифлар рўй бериши мумкинлигига асосланди. Космоснинг ҳарбийлаштирилиши эҳтимоли қуролланиш пойгасида сифат жиҳатидан янги сакрашни билдиради, бу сакраш ядро асрида тинчликни сақлаш асоси бўлмиш стратегик барқарорлик тушунчасининг ўзи йўқ бўлиб кетишига муқаррар равишда олиб борган бўлур эди. Ўзининг эҳтимол тутилган оқибатлари жиҳатидан қайтариб бўлмайдиган, принципиал муҳим қарорлар аслида инсоннинг ақл-заковати, сиёсий иродаси иштирокисиз, одоб ва ахлоқ мезонларини эътиборга олмай электрон машиналар томонидан қабул этиладиган аҳвол вужудга келган бўлур эди. Воқеаларнинг шундай ривожланиши гарчи даставвал ҳаддан ташқари мураккаб компьютер системаларининг хатоси, янглишиши, техникавий нуқсони сабабли бошланса ҳам ялпи ҳалокатга олиб келган бўлур эди.

Бошқача қилиб айтганда, жаҳондаги воқеаларнинг ривожи шундай маррага бориб етдики, энди алоҳида масъулият билан қарорлар қабул қилинишини талаб этилади, энди фаолиятсизлик ёки ҳаракатда сусткашлик жиноят ҳисобланади, чунки гап ҳозир цивилизацияни ва ҳаётнинг ўзини сақлаб қолиш ҳақида бормоқда. Шу сабабли биз қуролланиш пойгасининг яроқсиз доирасини бузиб ташлаш учун ҳамма чораларни кўриш, воқеаларнинг боришини яхшилик сари буриб юбора оладиган биронта имкониятни бой бермаслик зарур деб келдик ва шундай деймиз. Ҳозир масала ҳаддан ташқари ўткир ва аниқ бўлиб турибди: тор манфаатлардан юқори кўтарилиш, барча давлатларнинг учинчи минг йиллик бўсағасида одамлар ҳамжамиятига таҳлика солаётган хавф-хатар қаршисидаги коллектив масъулиятини англаш керак.

Марказий Комитетнинг апрель Пленуми бизга ташқи сиёсатни амалга оширишда айни мана шундай ёндашиш ваколатини берди. Мана шундай ёндашиш совет халқининг, социалистик давлатлар халқларининг манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади ва уни дунёнинг бошқа мамлакатларида хайрихоҳлик билан кутиб олганликларига ҳам ишонч ҳосил қилдик. Муддатлари жиҳатидан қисқа бўлса ҳам аммо катта-катта халқаро воқеаларга жуда бой бўлган давр мобайнида Совет Иттифоқи тинчлик манфаатларини кўзлаб жуда кўп давлатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишга интилди. Биз катта ва кичик барча мамлакатларнинг куч-ғайратлари билангина хатарли кескинлик палласидан ўтиб олиш мумкин, деган фикрга асосланиб иш тутдик ва ҳозир ҳам шунга асосланиб иш тутяпмиз.

Ўтган ойларда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий алоқалари анча активлашди ва чуқурлашди. Экономика ва фан-техника тараққиёти соҳасидаги ҳамкорликнинг узоқ муддатли программалари ишлаб чиқилди. Оператив, конкрет алоқалар механизми яратилди, ташқи сиёсат фаолияти янада мустаҳкам мувофиқлаштириб олиб бориладиган бўлиб қолди. Қардош мамлакатлар раҳбарларининг Москва, Варшава, София, Прагадаги учрашувлари социалистик ҳамдўстликни янада жипслаштириш йўлидаги муҳим босқичлар бўлди. Барча социалистик мамлакатлар билан алоқалар ривожланмоқда, мустаҳкамланмоқда.

Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган, қўшилмаслик ҳаракатига кирувчи давлатлар билан ҳамкорлик тобора кенг тус олмоқда. Шу мамлакатлардан кўплари билан муносабатларни ривожлантириш йўлида катта қадамлар қўйилди. Бу ҳозирги халқаро муносабатларнинг нотинч уммонида жуда катта аҳамиятга эга бўлган омилдир, халқлар тинчлиги, тенг ҳуқуқлилиги, озодлиги ва мустақиллиги фойдасига амал қилувчи омилдир.

Совет Иттифоқи капиталистик давлатлар билан алоқаларни яхшилаш учун ҳам куч-ғайрат сарфламоқда. Яқинда Парижда бўлиб ўтган совет-француз учрашувини алоҳида уқтириб ўтмоқчиман, шу учрашув чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, Европа хавфсизлигини ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатишга қайтиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.

Биз ўз ташқи сиёсатимизни бундан буён ҳам кўп планли асосга, барча давлатлар билан мустаҳкам ва барқарор икки томонлама муносабатлар негизига қуравермиз. Аммо ҳозирги дунёнинг реаллигига кўра унда ўзларининг ҳарбий, иқтисодий, илмий-техникавий қудрати ва халқаро салмоғи тақозоси билан дунёдаги ривожланишнинг характери, шу ривожланишнинг бориши ва оқибатлари учун зиммасига алоҳида масъулият тушадиган давлатлар бор. Аввало Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари зиммасига мана шундай масъулият тушади, такрор айтаманки, имтиёз эмас, балки масъулият тушади.

Ишга мана шу позицияларда туриб ёндашиладиган бўлса, ўтган ҳафтада олий даражадаги Совет-Америка учрашуви, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг баҳолашича, икки томонлама муносабатларимиздагина эмас, шу билан бирга умуман жаҳон сиёсатида ҳам муҳим воқеа бўлди. АҚШ президенти билан ўтказилган музокаралардан олган дастлабки таассуротларимни Женевадаги матбуот конференциясида гапириб ўтган эдим. Учрашувнинг якунловчи ҳужжати — Қўшма баёнот ҳам маълум.

Бугун СССР Олий Советининг сессиясида гапирар эканман, Женева учрашувининг якунлари ва аҳамиятига ҳозирги вазият нуқтаи назаридан, ўтмиш тажрибаси ва келажак истиқболларини, биз ҳал этишимиз лозим бўлган вазифаларни эътиборга олиб, баҳо бермоқчиман.

Аввало шуни айтишим керакки, Женева мулоқотини ўтказиш йўли кўпгина сабабларга кўра олис ва оғир бўлди. 80-йилларнинг бошларида ҳокимият тепасига чиққан АҚШ маъмурияти Совет-Америка муносабатларини ижобий ривожлантириш имкониятининг ўзини ҳам рад этиб, ошкора муҳолифлик йўлини бошлади. Советларга қарши ўша йиллардаги сафсаталарнинг жазавасини, Америка ҳукмрон доиралари ҳаракатларининг «зўравонлик» характерини ҳеч ким эсидан чиқаргани йўқ деб ўйлайман.

Бу муносабатларда зарур бўлган энг оз ишончни вужудга келтириш соҳасидаги кўп йиллик ва икки томонлама куч-ғайратлар чиппакка чиқариб қўйилди, икки томонлама ҳамкорликнинг деярли ҳамма ришталари узиб ташланди. Кескинликни юмшатишнинг ўзи Америка Қўшма Штатларининг манфаатларига зид деб эълон қилинди.

Маъмурият СССРдан ҳарбий устунликка эришиш йўлига кириб, АҚШни ядро қуроли ва бошқа қуроллар билан қайта қуроллантириш программаларини амалга ошира бошлади. Ғарбий Европада Американинг биринчи зарба урадиган ракеталарини жойлаштиришга киришилди. Ҳарбий-сиёсий мавҳумликнинг ва шу билан боғлиқ бўлган қалтислик даражасининг ортиши мумкин бўлган вазият вужудга келди.

Ниҳоят, бунинг ёнига «самовий урушлар» программаси, «стратегик мудофаа ташаббуси» деб аталган нарса қўшилди. Вашингтондагилар бу программа рўёбга чиқарилган тақдирда муқаррар равишда келиб чиқадиган оғир оқибатлар ҳақида унчалик ўйлаб-нетиб турмай шу ғояга очиқдан очиқ «шайдойи» бўлиб қолдилар. Космосга қурол билан чиқиш режаси дунёдаги истисносиз ҳамма халқлар учун ҳаддан ташқари хатарлидир.

Аммо биз бошқа нарсани ҳам билар эдик: АҚШнинг бу сиёсати реал воқеликка тўқнаш келиши муқаррар эди. Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Совет Иттифоқи ўз иттифоқчилари билан биргаликда ўзидан ҳарбий устунликка йўл қўйилмаслигини равшан қилиб айтди.

Ҳатто АҚШнинг иттифоқчилари ҳам ўз хавфсизлиги манфаатларига мутлақо менсимай қаралаётганлигини, Вашингтон ҳарбий устунлик жазавасига берилиб, ҳамма нарсани таҳлика остига қўйишга тайёрлигини кўргач, улар орасида саросималик бошланди. Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам бу йўл жиддий шубҳа туғдирди. «Самовий урушлар»га тайёргарлик кўриш планларининг эълон қилиниши эса бутун планетада чинакам ташвиш сигнали бўлиб янгради.

Ўзларининг муҳолифлик йўли халқаро тараққиёт учун белгиловчи йўл бўлиб қолади, деб ўйлаган кимсалар ҳам янглишдилар. Шу муносабат билан айтиб қўймоқчиманки, жаҳонга ҳукмрон бўлиш орзулари ўз мақсадларига кўра ҳам, ўз воситаларига кўра ҳам аввал бошданоқ ярамас

(Давоми иккинчи бетда).

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари депутат М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Боши биринчи бетда).

орзулардир. Абадий двигатель лойиҳалари табиатнинг энг оддий қонунларини билмаслик оқибатида юзага келгани каби, империячилик даъволари ҳам ҳозирги дунё тўғрисидаги реал ҳақиқатдан йироқ тасаввурлардан келиб чиқади.

АҚШнинг ҳарбий-стратегик тенгликни бузиш йўлига қатъий зарба беришни Совет Иттифоқи кенг миқёсли тинчлик ташаббусларини ўртага қўйиш билан, тинчлик ва хавфсизликнинг марказий масалаларига вазминлик кўрсатиб ижобий тарзда ёндашиш билан қўшиб олиб борди.

Биз кўпдан кўп ташаббусларимиз билан жаҳон майдонида нималарга интилаётганлигимизни, АҚШни ва унинг иттифоқчиларини нималарга даъват этаётганлигимизни равшан кўрсатдик. СССРнинг бундай ҳаракатларини жаҳон жамоатчилиги астойдил маъқуллади, кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу ҳаракатларни юқори баҳоладилар.

Шу омиллар таъсирида Вашингтон манёвр қилишга мажбур бўлди. Америка маъмуриятининг баёнотларида ошкора сулҳпарварлик нишоналари пайдо бўлди. Бу нишоналар ишлар билан мустаҳкамланмаса ҳам, аммо улар пайдо бўлганлигининг ўзи чакки эмас эди.

Шу йилнинг бошларида бизнинг ташаббусимиз билан СССР ва АҚШ ўртасида янги музокаралар, космик ва ядровий қуролларнинг бутун комплексини ўзаро боғлиқ равишда қамраб олиши, космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик ва ердаги шундай пойгани тўхтатиш мақсадини кўзлаши лозим бўлган музокаралар ўтказиш тўғрисида бир битимга эришилди.

Совет — Америка муносабатларидаги муҳитда, бир мунча тарзда АҚШнинг халқаро феъл-атворида ҳам ўзгаришлар рўй берабошлади, олий даражадаги учрашув ўтказиш эҳтимоли тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш пайтида мана шулар ҳам эътиборга олинмасдан қолмади.

Биз шундай қарорни қабул қилар эканмиз, музокараларда муносабатларимизни ва дунёдаги бутун вазиятни белгилаб берадиган масалалар — хавфсизлик масалалари марказий ўрин олиши лозимлигига қатъий асосланиб иш тутдик. Бунда биз Европадаги ва дунёдаги сиёсий ҳамда стратегик реалликларни, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг фикрини, кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари ва жамоат доираларининг позицияларини, уларнинг Совет Иттифоқига мурожаат этиб, олий даражада учрашув ўтказилиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш тўғрисидаги қатъий даъватларини эътиборга олдик. Бутун дунёда шу учрашувга нақадар зўр умид билан қаралаётганлигини тушундик ва халқаро иқлимни соғломлаштириш, бу иқлимни учрашув учун қулайлаштириш йўлида конкрет қадамлар қўйдик.

Женевадаги ядровий ва космик қуролларга бағишланган музокараларда биз конкрет ва салмоқли таклифларни ўртага қўйдик. Бу таклифларнинг моҳияти нимадан иборат?

Биз аввало зарбдор космик қуролларни батамом тақиқлашни таклиф қилдик. Буни таклиф қилганимизнинг сабаби шуки, космосда қуролланиш пойгасининг бошланиши ва ҳатто Ер атрофидаги фазода фақат ракетаурар системаларнинг жойлаштирилиши ҳам ҳеч кимнинг хавфсизлигини мустаҳкамламайди. Ядровий ҳужум воситаларини космик «қалқон» билан тўсиб қўйиш эса янада хатарлироқ тус олади.

Зарбдор космик воситаларнинг пайдо бўлиши ҳозирги стратегик балансни стратегик тартибсизликка айлантириб юбориши, ҳамма соҳаларда жазавали қуролланиш пойгасини бошлаши, шу пойгани чеклашнинг энг муҳим асосларидан бири бўлмиш ракетадан мудофаа шартномасини кўпориши мумкин эди. Натижада мамлакатлар ўртасидаги ишончсизлик ортар, хавфсизлик эса анча камаяр эди.

Энди буёғини айтсам. Биз зарбдор космик қуроллар батамом тақиқланган шароитда СССР ва АҚШ ихтиёридаги бир-бирининг территориясига етиб бора оладиган жамики ядровий воситаларнинг ярмисини қисқартиришни таклиф қилдик. Уларга ўрнатилган ядровий зарядларнинг умумий миқдорини ҳар бир томондан 6 мингта заряд билан чеклаб қўйишни таклиф қилдик. Бу — минглаб ядровий зарядлар билан ҳисобланадиган жуда катта қисқартириш бўлур эди.

Бу — одилона ёндашувдир. Бу ёндашув стратегик кучлар нисбатини вужудга келтирадиган жамики воситаларни қамраб олади, ўз территорияларига ядровий зарядлар нималар ёрдамида ва қаердан — ракеталар ёки самолётлар ёрдамидами, ўз территориясидан ёки иттифоқчиларнинг территориясидан келтирилишидан қатъи назар, томонларнинг ҳар бири учун реал мавжуд бўлган ядровий хавф кўламини ҳисобга олиш имконини беради.

СССР ва АҚШ ядровий воситаларини икки ҳисса қисқартиришни биз ишнинг бошланиши деб биламиз. Бундан ҳам илгарилаб бориб, ниҳоят, ўз-ўзидан равшанки, бошқа ядровий давлатлар иштирокида ядро қуролини батамом йўқ қилиб ташлашга ҳам тайёрмиз.

Ядровий қуролланиш пойгаси Европа халқларини айниқса ташвишга солаётганлиги равшан. Биз бу ташвишнинг сабабини яхши тушунамиз. Европа ядровий воситаларга тўлиб-тошиб кетган. Совет Иттифоқи Европани ҳам ўртача олислик, ҳам тактик ядро қуролидан батамом халос қилиш тарафдоридир. Аммо АҚШ ва унинг НАТОдаги шериклари бунга рози бўлмаяптилар. Шунда биз лоақал оралиқ қарорларидан иш бошлаб, сўнгра қуролларни аста-секин қисқартириб бораверишни таклиф қилдик. Бизнинг таклифларимиз Европа халқларининг ядро уруши хавфини камайтириш, Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги умидларига мос бўлиб тушишига аминмиз.

Ишнинг принципиал жиҳатини таъкидлаб ўтмоқчиман: музокараларнинг учала йўналишида — космос, стратегик ҳужум қуроллари, ўртача олислик ядровий воситалари соҳасида биз АҚШга унинг хавфсизлигини камайтира оладиган биронта нарсани таклиф қилаётганимиз йўқ. Бугина эмас, бизнинг таклифларимиз Америка томони «алоҳида ташвиш чекаётган» соҳалар даражасига кўтариб қўйган масалаларни ҳам ҳал этиш имконини беради.

Масалан, совет қитъалараро баллистик ракеталари ҳақида кўп гапирмоқдалар. Бизнинг таклифларимизда бу ракеталарни қисқартириш, ядровий зарядларнинг умумий даражасида уларнинг портловчи каллаклари улушини чеклаш кўзда тутилади. Ёки, бошқа бир мисол. Совет СС-20 ракеталари теварагида Ғарбда кўп шовқин кўтармоқдалар. Биз Европадаги ўртача олислик ядровий воситалари проблемасини ҳал этиш асосида бу ракеталарни анча қисқартиришни таклиф қиляпмиз.

Англия билан Франциянинг ядровий воситалари ишкал бўлиб турибди, деб пеш қилмоқдалар. Совет— Америка музокараларида бу воситаларни муҳокама қилиб бўлмайди, демоқдалар. Модомики, шундай экан, биз бунинг ҳам иложини қидиришга тайёрмиз. Биз шу мамлакатларнинг ядровий қуроллари хусусида улар билан бевосита фикрлашув бошлашни таклиф қиламиз.

Совет таклифлари хусусида бутун дунёда кенг миқёсда ва ижобий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бизнинг амалий позициямизни якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, нуфузлари билан таклифларимизнинг аҳамиятини оширдилар. Олти мамлакат — Аргентина, Мексика, Танзания, Ҳиндистон, Швеция ва Греция раҳбарларининг қўшма баёнотлари ҳам кўп жиҳатдан бизнинг ёндашувимизга ҳамоҳангдир. Турли мамлакатлар ва қитъалардаги коммунистик ҳамда ишчи партиялар, йирик жамоат ташкилотлари, машҳур олимлар, таниқли сиёсат арбоблари ва ҳарбий арбоблар совет ташаббусини маъқуллаб, умид билан кутиб олдилар. Социалистик интернационалдаги кўпчилик партиялар совет таклифи хусусида ижобий фикр билдирдилар.

Женевадаги учрашув арафасида ва учрашув бўлиб турган пайтнинг ўзида менинг номимга совет ва чет эл гражданларидан келган минглаб хатлар ҳақида гапираётганим ҳам йўқ. Бу хатларни ёзган кишиларга эзгу тилаклари, маслаҳатлари ва қўллаб-қувватлаганликлари учун, тинчликни сақлаб қолиш тўғрисидаги астойдил ва самимий ғамхўрликлари учун шу фурсатдан фойдаланиб, миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. **(Қарсаклар).**

Учрашув арафасида америкаликлар жавоб тариқасидаги ўз таклифларини ўртага қўйдилар. Шу фактнинг ўзи ҳам ижобий ҳодисадир. Бизнинг жуда кўп ташаббусларимиздан бири хусусида яхши фикр билдирилди.

Америкаликларнинг жавоб таклифлари моҳияти ҳақида матбуотда кўп ёзилди. Уларнинг мазмунини такрорлаб ўтирмайман, фақат шуни айтаман: улар — чалакам-чатти ва кўп жиҳатдан адолатсиз таклифлардир. Улар бир ёқлама ёндашишга асосланган бўлиб, АҚШ ва умуман НАТО учун ҳарбий устунликка интилиш мақсадини очиқдан-очиқ кўзлайди.

Бироқ энг катта масала шундан иборатки, АҚШнинг позицияси зарбдор космик қуроллар яратилишини тақиқлашни кўзда тутмайди. Аксинча, бу қуроллар яратилишини қонунлаштириб қўйишни хоҳламоқдалар. «Самовий уруш»лар тўғрисидаги масалада Америка томони тутган позиция — қурол-яроғлар устидан контроллик ўрнатиш хусусида бир битимга келиш йўлидаги асосий тўсиқдир. Бу — фақат бизнинг фикримиз эмас. «Стратегик мудофаа ташаббуси»да қатнашишдан Франция, Дания, Норвегия, Греция, Нидерландия, Канада ва Австралия ҳукуматлари воз кечишди. Женева учрашуви арафасида БМТ Бош Ассамблеяси СССР ва АҚШ раҳбарларини «космосда қуролланиш пойгасининг олдини олишга ва Ердаги қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган самарали битимлар ишлаб чиқиш»га чақирувчи резолюция қабул қилди. Фақат Қўшма Штатлар ва унинг бир неча иттифоқчисигина жаҳон ҳамжамиятининг шу равшан даъватини қўллаб-қувватламасликни ўзига эп кўрди. Бу фактни шарҳлашнинг ҳожати ҳам йўқ.

Қўшма Штатларда учрашувни барбод этмаган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаганда унинг мазмунини пучайтириш, унинг аҳамиятини йўққа чиқариш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилган қудратли сиёсий кучлар ўз таъсирларини ўтказганликларини ҳам эслатиб ўтиш ўринли бўлади. Йўлдошурар система синаб кўрилганлиги, олисга отиладиган қанотли ракеталар жойланган «Айова» линкори Болтиқда пайдо бўлганлиги, ГФРда «Першинг» ракеталари зўр бериб жойлаштирилганлиги, бинар химиявий қуроли яратишга қарор қилинганлиги, ниҳоят рекорд миқдордаги янги ҳарбий бюджет қабул этилганлиги ва шу каби хатти-ҳаракатлар ҳамманинг эсида деб ўйлайман.

Бугина эмас, президент Женевага келаётган пайтда, АҚШ мудофаа министрининг хати маълум бўлиб қолди, бу хатда СССР билан стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида ва ракетага қарши мудофаа ҳақида шартнома тузилишини тасдиқлайдиган ҳеч қандай аҳдномаларга кўнмасликка даъват этилган эди. Бошқача қилиб айтганда, АҚШ Ерда ҳам, космосда ҳам қуролланиш пойгасининг ҳамма соҳаларида бемалол ҳаракат қила оладиган вазият бўлишини хоҳлар эди.

Иш Пентагон билангина чекланиб қолди дейсизми? Америкалик ўта ўнг доираларнинг идеологик штаби — «Мерос фонди» АҚШ президентига берган ўзига хос «наказ» ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Президентга қуролланиш пойгасини давом эттириш, Совет Иттифоқининг маблағларни социал-иқтисодий программаларни амалга оширишга ўтказишига имкон бермаслик, пировард натижада СССРни халқаро сиёсатдан суриб чиқаришга ҳаракат қилиш топшириғи берилган эди. Бу жаноблар шу қадар ҳаддан ошдиларки, АҚШ маъмурияти олдига бизни ўз тузумимизни, Конституциямизни ўзгартиришга мажбур қилиш вазифасини қўйдилар! Бу эски сафсата, ўртоқлар. Буларнинг ҳаммасини неча марталаб эшитганмиз. Хуллас, тажовузлар кўп бўлди.

Шундай бўлса ҳам, биз АҚШ президенти билан учрашишга қарор бердик. Негаки, дунёдаги воқеаларнинг хатарли тарзда ривожланишини ўзгартириш учун, гарчи жуда оз бўлса-да, вужудга келган имкониятдан фойдаланмасликка ҳаққимиз йўқ эди. Агар ҳозир бевосита ва ошкора мулоқот бошлашга муваффақ бўлинмаса, эртага бундай қилиш юз карра қийинроқ бўлишини, эҳтимол умуман кеч бўлишини англаб, шундай қарорга келдик.

Икки ўртадаги тафовут катталиги шубҳасиз. Аммо ҳозирги дунёда ўртамиздаги ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик ҳам жуда катта. Ҳозирги даврнинг кескинлиги СССР ва АҚШ раҳбарларига, СССР ва АҚШ халқларига биргаликда яшашдек илму азимни ўрганиб олишдан бошқа илож қолдирмайди.

Президент билан яккамаякка қилинган суҳбатлар Женевадаги учрашувда катта ўрин олди. Шундай рўбарў гаплашиш бошланиши биланоқ Совет делегацияси халқаро турмушнинг марказида турган энг ўткир проблема — ядро урушининг олдини олиш ва қуролланиш пойгасини жиловлаш проблемасини ҳал этиш йўлини қидириш учун келди, деган масала кўндаланг қилиб қўйилди. Учрашувимизнинг асосий маъноси мана шундан иборат эканини, унинг якунларини ҳам шу масала белгилашини президентга айтдим.

Женевадаги музокаралар баъзан жуда кескин ва таъбир жоиз бўлса бағоят ошкора бўлганини таъкидлашим лозим. Бу ўринда бир-бирини устомонлик қилиб алдашнинг ҳам, сиёсий ва ташвиқотчилик иборалари билан қутилиб қолишнинг ҳам иложи йўқ — уруш ва тинчликнинг мана шу ўзак масалаларига ҳаддан ташқари кўп нарса боғлиқ.

Учрашув чоғида Америка томони ўзининг стратегик мудофаа ташаббуси программасини амалга оширишни зўр бериб ҳимоя қилди. Бизга, бу ўринда гап гўё умуман қурол деб ҳисобланмайдиган, фақат мудофаа воситаларини яратиш тўғрисида бормоқда деган фикрни айтдилар. Бу воситалар вазиятни барқарорлаштиришга, умуман ядро қуролидан халос бўлишга ёрдам беради, деган гапни ҳам айтдилар. Қандайдир яқинроқ келажакда шу воситаларни биз билан ҳатто «баҳам кўриш»ни, лабораторияларнинг эшикларини бир-биримизга очиб қўйишни ҳам таклиф этдилар.

Биз бу фикрларга қўшилмаслигимизни президентга очиқ-ойдин айтдик. Биз бу масалаларнинг ҳаммасини синчиклаб таҳлил этиб, бир хулосага келдик. Космик қуроллар — асло мудофаа қуроллари эмас. Улар космик «қалқон» остидан биринчи ядро зарбасини уриш, жавоб зарбасининг эса олдини олиш ёки ҳеч бўлмаганда, заифлаштириш мумкин, деган хатарли хом хаёлни туғдириши мумкин. Қолаберса, космик қуролнинг ўзидан ҳам Ердаги нишонларни мўлжалга оладиган восита сифатида фойдаланмасликка қандай кафолат берилади? АҚШнинг ракетаурар космик системаси мутлақо «қалқон» сифатида эмас, балки яхлит ҳужум комплексининг бир қисми сифатида ўйлаб режалаштирилаётганлигидан ҳамма нарса дарак бериб турибди.

Ўз-ўзидан равшанки, биз АҚШ программасида кўзда тутилган космик воситалар асло қурол эмас, деган даъвога қўшила олмаймиз. Шунингдек, биз Қўшма Штатларнинг бу соҳада яратишга муваффақ бўладиган нарсаларини биз билан баҳам кўриш тўғрисидаги ваъдаларига ҳам ишона олмаймиз.

Башарти, лабораториялар очиб қўйиладиган бўлса, уларнинг сирини ошкор этиш учун эмас, асло, аксинча, зарбдор космик қуроллар яратилишини тақиқлаш устидан контрол қилиш мақсади учун очиб қўйилиши керак.

Бизга ракеталардан даҳшатга тушиши тугатиш, умуман ядро қуролини йўқ қилиб ташлашга эришиш истаги ҳақида гапирмоқдалар. Бу истакни фақат табриклаш мумкин, бу истак сиёсатимиз мақсадларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади. Бироқ бунинг учун космик зарбдор системаларни яратиб ўтирмай, шу қуролларни йўқ қилиб ташлаш анча осон-ку. Ўн ва юз миллиардлаб долларни исроф қилиб, ядро қуроллари билан бир қаторда, яна тоғ-тоғ космик қуролларни қалаштириб ташлашнинг нима ҳожати бор? Бундан нима маъно чиқади?

Мен президентдан: Наҳотки Америка раҳбарлари Американинг космик қуроли яратилган тақдирда биз ўзимизнинг стратегик потенциалимизни қисқартирамиз, ўз қўлимиз билан АҚШга шу потенциални заифлаштиришга ёрдам берамиз, деб жиддий равишда ўйлаётган бўлсалар? — деб сўрадим. Бундай бўлади деб умид қилмаслик керак. Бунинг акси содир бўлади: Совет Иттифоқи мувозанатни тиклаш учун, зарур бўлса, америкаликлар вужудга келтираётган «самовий уруш»нинг электрон-космик машинасини чиппакка чиқариш учун ўз қуролларининг самарадорлигини, аниқлигини, қудратини оширишга мажбур бўлади.

Башарти, Вашингтон планлаштираётган космик қуролларнинг эшелонлари ёнига бизнинг қуролимиз ҳам қўшиладиган бўлса, наҳотки америкаликлар ўзларини хотиржам ҳис этсалар? Зеро, АҚШдагилар космик фазода монополистлар бўлиб қолишга умид қилаолмайдилар-ку. Ҳар ҳолда буларнинг ҳаммаси жиддий ўйламасликдан иборат.

Аммо Америка маъмурияти ҳанузгача ҳам ҳарбий устунликка эришиш иштиёқидан воз кечгани йўқ. Мана ҳозир ҳам космосда қуролланиш пойгасини авж олдириб, бизни электроника ва компьютерлар соҳасида орқада қолдириб кетишни ўйламоқда. Лекин биз илгари бир неча бор бўлганидек, бунга ҳам жавоб топамиз. Бизнинг жавобимиз амалий, зарур даражада тез ва Америка программасига нисбатан арзонроққа тушса, ажаб эмас. Биз президентга буни ҳам очиқ-ойдин айтдик. **(Давомли қарсаклар).**

СССР ва АҚШ манфаатларига, жаҳон халқлари манфаатларига мос бўлиб тушадиган бизнинг муносабатларимизда чинакам бурилиш бўлмоғи учун кўпгина ҳодисаларга янгича ёндашув, кўп нарсаларга янгича кўз билан қараш ва энг асосийси, иккала мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси зарур бўлади, деб ўйлайман. Мен Женевада шуни таъкидладимки, СССРнинг АҚШга душманлик нияти йўқ, у америка халқини ҳурмат қилади. Биз ўз сиёсатимизни ишлаб чиқар эканмиз, АҚШнинг миллий манфаатларини камситишни кўзда тутмаймиз. Яна равшанроқ қилиб шуни айтмоқчиманки, масалан, биз стратегик тенгликнинг ўз фойдамизга ўзгаришини истамаймиз. Шунинг учун истамаймизки, ана шундай вазият бошқа томоннинг шубҳасини оширади, умумий вазиятнинг беқарорлигини кучайтиради.

Ҳаёт шу тарзда ривожланмоқдаки, иккала мамлакатимиз стратегик тенгликка худди табиий ҳолат, деб кўникишларига тўғри келади. Иккала томоннинг ишончли мудофааси учун улар қуролларининг қандай даражаси нисбатан етарли деб топилишида ўзаро бир фикрда бўлишга тўғри келади. Бизнинг шунга ишончимиз комилки, қуролларнинг ана шу даражаси ҳозир СССР ва АҚШ қўлидаги қуроллар даражасидан анча пастдир. Демак, қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш учун салмоқли амалий қадамларни бемалол қўйиш мумкин. Бу тадбирлар СССРнинг ҳам, АҚШнинг ҳам хавфсизлигини сусайтирмай, балки мустаҳкамлайди. Бу гап жаҳондаги стратегик барқарорликка ҳам тааллуқлидир.

Учрашувда муҳокама қилинган бошқа масалалар ҳақида нима дейиш мумкин?

Регион можаролари муаммосидан бошламоқчиман. Иккала томон ана шундай «оловли нуқталар» борлигидан ташвишланаётганлигини изҳор этди. Бу тушунарлидир. Ана шундай можароларнинг ядро асрида кенгайиб кетиш хавфи туғилса, айниқса хатарлидир.

Ана шундай можароларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларига ёндашув бизда, айтиш мумкинки, фақат турлича эмас, балки бир-бирига қарама-қаршидир. «Манфаатлар доираси» категориялари билан фикр юритишга одатланиб қолган АҚШ бу проблемаларни Шарқ билан Ғарб ўртасидаги рақобатчиликка айлантириб қўймоқда. Ахир бу нарса бизнинг кунларимизда кўпчилик халқларнинг мустақил ўйлаш ва қарор қабул қилиш ҳуқуқини инкор этувчи жаҳонгирларча фикр юритиш сарқитидир.

Бундай можароларнинг чуқур манбалари кўп томонлама бўлиб, улар қисман тарихга бориб тақалади, энг муҳими эса озод бўлган мамлакатлар дучор қилиб қўйилган социал ва иқтисодий шароитлар бунга сабаб бўлмоқда. АҚШ регионал можаролар проблемаси тўғрисида гапирганида ЖАРдаги апартеиднинг ваҳшийликлари шу мамлакатнинг Африкадаги ўз қўшниларига нисбатан агрессияси, Америка қўғирчоқ ҳукуматларининг Марказий Америкада ва Жануби-Шарқий Осиёдаги уруши, Исроилнинг Яқин Шарқдаги қароқчилик ҳаракати ва бошқа кўпгина ярамас ишлар ҳақида лом-мим демаётгани тасодифий эмас, албатта. Вашингтон миллий озодлик ва социал тараққиёт йўлидан бораётган давлатларнинг қонуний ҳукуматлари билан контрреволюцияни бир хил қилиб кўрсатишга уринмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, биз бундай талқинни қабул қила олмадик. Биз ҳар бир халқнинг озодлик ва мустақилликка, йўлни мустақил танлаб олишга бўлган даҳлсиз ҳуқуқи эътироф этилиши тарафдоримиз, деб президентга айтилди. Биз бу ҳуқуқни ҳеч ким поймол этмаслиги, ташқаридан аралашишга уринишлар бўлмаслиги, истибдод эмас, балки озодлик ғалаба қозониши тарафдоримиз. Биз ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқлар томонида бўлиб келдик ва бундан буён ҳам улар томонида бўлаверамиз. Бу — бизнинг принципиал йўлимиздир. **(Қарсаклар).**

Президент Афғонистон тўғрисидаги масалани тилга олди. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи Афғонистон теварагидаги аҳволнинг сиёсий йўл билан бартараф этилиши учун изчиллик билан курашиб келаётганлиги яна бир бор тасдиқланди. Биз қўшнимиз дўст Афғонистон мустақил қўшилмаган давлат бўлиши, Афғонистон ишларига аралашмаслик гарантияланган режим ўрнатилиши тарафдоримиз. Шу тариқа совет қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилади. Совет Иттифоқи ва Афғонистон ҳукумати батамом мана шунинг тарафдоридирлар. Модомики, масаланинг тезроқ ҳал этилишига кимдир халақит қилаётган экан, у аввало аксилинқилобчи тўдаларни пул билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қуроллантираётган, бу ердаги вазиятни нормаллаштириш йўлидаги куч-ғайратларни барбод этаётган АҚШнинг ўзидир.

Музокараларда икки томонлама муносабатларга оид масалалар катта ўрин олди. Кейинги вақтларда бу соҳада намоён бўлган муайян жонланиш эндиликда фан, маориф ва маданият соҳасида айирбошлаш ва мулоқотлар тўғрисидаги, мамлакатларимиз ўртасида самолётлар қатновини тиклаш ҳақидаги конкрет битимлар билан мустаҳкамланди.

Аммо ўз-ўзидан равшанки, бундаги мавжуд потенциални ўзаро муносабатларимизни белгилаб берувчи хавфсизлик масалалари ҳал этила бошланадиган шароитда тўла-тўкис ишга солиш анча енгил бўлади. Ҳамкорлик қилганда ҳам ҳеч қандай камситишсиз ва олдиндан шартлар қўймасдан, бошқа томоннинг ички ишларига аралашишга уринмай баб-баравар асосда ҳамкорлик қилиш керак. Бунда бизнинг позициямиз қатъий ва изчилдир.

Хўш, Женевадаги учрашувнинг асосий якунларини қандай баҳолаш мумкин?

Шубҳасиз, учрашув катта воқеа бўлди. Бевосита, очиқ-равшан ва конкрет равишда гаплашиб олиш фойдали, позицияларни аниқ-пухта қиёслаб олиш имконияти фойдалидир. Жиддий равишда кўриб чиқиб, қотиб қолган нуқтасидан силжитишга уриниб кўриш лозим бўлган ғоят қалтис, ўткир проблемалар ҳаддан ташқари кўп тўпланиб қолган эди.

Биз АҚШ президенти билан ўрнатилган шахсий мулоқотни қадрлаймиз. Олий раҳбарларнинг мулоқоти — ҳамиша давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳаққоният палласидир. Шундай мулоқот ўтказилганлиги муҳим — ҳозирги мураккаб бир вақтда бу мулоқотнинг ўзиёқ барқарорлаштирувчи омилдир.

Аммо биз реалистлармиз ва шуни тўппа-тўғри айтишимиз керакки, қуролланиш пойгасини тўхтатиш билан боғлиқ ғоят муҳим масалаларни ҳал этиш йўлларини учрашувда топишга муваффақ бўлинмади. АҚШ раҳбарларининг «самовий урушлар» программасидан воз кечишни истамаётганликлари Женевада реал қуролсизланиш ва аввало ядровий ҳамда космик қуролларга оид марказий проблема хусусида конкрет аҳдномаларга эришиш имкониятини бермади. Ҳар иккала томонда тўпланиб қолган қурол-яроғ миқдори учрашув натижасида камаймади, қуролланиш пойгаси давом этмоқда. Бу ҳафсалани пир қилмаслиги мумкин эмас.

Жаҳондаги аҳволнинг, айрим регионлардаги воқеалар ривожининг бошқа бир қанча принципиал масалалари хусусида ҳам СССР билан АҚШни ҳамон катта ихтилофлар ажратиб турибди. Аммо биз Женевада эришилган аҳдномаларнинг аҳамиятини асло камайтириб кўрсатмоқчи ҳам эмасмиз.

Ана шу аҳдномаларнинг энг муҳимларини эслатиб ўтаман. Бу аввало ядро уруши ҳеч қачон бошланмаслиги керак, бу урушда ғолиблар бўлиши мумкин эмас деб қўшма баёнотда мустаҳкамланган умумий тушуниш, СССР ва АҚШнинг ўз муносабатларини мана шу, шак-шубҳасиз, ҳақиқатга асосланиб қуриш, ҳарбий устунликка интилмаслик тўғрисидаги мажбуриятидир.

Биз олий даражада ҳам биргаликда қайд этилган ана шу тушуниш амалда иккала давлат ташқи сиёсатига асос қилиб олиниши керак, деб ҳисоблаймиз. Модомики, ядро уруши ўз ҳарактерига кўра қандай бўлмасин оқилона мақсадларга эришишга хизмат қила олмаслиги эътироф этилган экан, демак унинг олдини олиш, ялпи қирғин воситаларини ишлаб чиқиш ва синаш тўхтатилиши, ядро қуролларининг тўпланган запаслари батамом тугатилиши йўлидаги омил ҳам шу қадар кучлироқ бўлиши керак. Қуролланиш пойгасининг янги йўналишларини очишга эса инчунин йўл қўйиб бўлмайди. Қўшма баёнот шартнома эмас албатта, аммо бу иккала мамлакат раҳбарлари зиммасига кўпгина мажбуриятлар юклайдиган принципиал йўл-йўриқдир.

Сўнгра, СССР билан АҚШ ядро қуролини тарқатмаслик режими самарадорлигини бутун чоралар билан оширишга кўмаклашиш тўғрисидаги ўз мажбуриятларини аниқ-пухта тасдиқладилар ва шу йўналишда биргаликда қўйиладиган амалий қадамлар ҳақида аҳдлашиб олдилар. Ҳозирги нотинч халқаро вазиятда бу нарса дунёда барқарорликни сақлаш, ядро уруши чиқиши хавфини камайтириш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Иккала мамлакат раҳбарларининг химиявий қурол каби ваҳшиёна оммавий қирғин қуролини ёппасига ва батамом тақиқлаш ҳамда йўқ қилиш учун биргаликда ҳаракат қилишлари принципиал аҳамиятга эга. АҚШ амалий сиёсатда ҳам мана шу муҳим тушунишга асосланади, деб умид қилмоқчиман.

СССР ва АҚШ раҳбарларининг Стокгольм конференциясида қатнашаётган бошқа давлатлар билан биргаликда бу конференция куч ишлатмаслик тўғрисидаги конкрет мажбуриятларни ҳам, шунингдек ишончни мустаҳкамлашнинг ўзаро мақбул тадбирларини ҳам ўз ичига олувчи ҳужжатни қабул қилиш билан тезроқ тугашига кўмаклашиш тўғрисидаги аҳдномаси ҳам Совет— Америка муносабатлари доираси билангина асло чекланиб қолмайди.

Учрашув натижасида СССР билан АҚШ ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг кўпгина йўналишлари бўйича бир қанча фойдали аҳдномалар пайдо бўлганлигини табриклаш мумкин холос. Бу аҳдномалар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ишонч даражасини ошириш учун яхши негиз бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман, — Бунда ўз-ўзидан равшанки, ишлаб чиқилган аҳдномаларга нисбатан эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, уларни барбод этиш учун сунъий важларни изламаслик, балки ундаги барча яхши нарсаларни ривожлантириш зарур.

Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида сиёсий мулоқотларни, шу жумладан олий даражадаги янги учрашувларни давом эттириш тўғрисида Женевада эришилган аҳднома эга бўлган аҳамият ҳақида алоҳида айтиб ўтиш керак.

Шундай қилиб биз Женеванинг умумий натижаси ижобий бўлди, деб айтишга ҳақлимиз.

Мамлакатимизнинг амалий, изчил сиёсати шундай умидбахш натижаларга эришишга ҳал қилувчи даражада кўмаклашганлиги шубҳасиздир. Шу билан бирга бу ерда Америка томонининг учрашувдаги позициясида муайян реализм нишоналари пайдо бўлганлиги, бу эса бир қанча масалаларни ҳал этишга кўмаклашганлиги тўғрисида ҳам айтиб ўтмаслик адолатсизлик бўлур эди.

Женевада шартлашиб олган барча фойдали аҳдномаларнинг ҳақиқий аҳамияти амалий ишлардагина намоён бўлиши мумкин, албатта. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи ҳам суръатларни пасайтирмаслик, ғоят қатъият ҳамда Қўшма Штатлар билан ҳалол ҳамкорлик руҳида қуролланиш пойгаси тўхтатилишига, халқаро вазият умуман соғломлаштирилишига эришиш ниятида эканлигини билдирмоқчиман. Биз АҚШ томони ҳам худди шундай ёндашувни намоён этишига умид боғламоқдамиз. Ўшанда Женевада амалга оширилган иш ўзининг ҳақиқий самараларини беришига аминман. **(Қарсаклар).**

Шу воқеага, унинг халқаро муносабатлардаги ролига берган бизнинг баҳомиз мана шундай. Бундай баҳога бизнинг иттифоқчиларимиз— қардош социалистик мамлакатлар қўшилаётганликларини мамнуният билан айта оламан. Олий даражадаги Совет — Америка музокаралари тугаши билан дарҳол Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар раҳбарларининг Прагада бўлиб ўтган учрашуви шундан жуда яққол далолат бериб турибди.

Прага учрашувининг қатнашчилари вазият мураккаб бўлиб қолаётганлигини таъкидладилар. Вазиятни соғломлаштириш учун кураш давом этмоқда, аммо бу кураш шароитлари яхшиланганлигини ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин. Женевадаги учрашув — тинчликни таъминлашга қаратилган узоқ муддатли, маҳкам мувофиқлаштириладиган биргаликдаги куч-ғайратларимизнинг муҳим бўғинидир.

Хўш, Женевада Совет — Америка мулоқотининг якунлари асосида бундан буён қандай иш тутиш керак? Шундай савол қўйилиши табиий.

Мен ҳали айтиб ўтганимдек, биз яна олий даражада Совет — Америка учрашувларини ўтказиш тўғрисида Женевада эришилган аҳдномага катта аҳамият берамиз. Биз бу масалага расман ёндашмаётганлигимизни таъкидламоқчиман. Иккала мамлакат раҳбарлари яна учрашишлари фактининг ўзи эмас, балки унинг натижалари қандай бўлиши муҳимдир. Халқлар Женевада белгиланган йўлдан олға томон амалда ҳаракат қилиб борилишини кутадилар. Биз ҳам айни мана шунга эришиш учун ҳаракат қилаверамиз. Олий даражада ўтказиладиган навбатдаги Совет — Америка учрашувига ҳозирнинг ўзидаёқ, бунинг устига биринчи навбатда амалий сиёсат соҳасида ҳозирлик кўра бошлаш керак.

Бўлғуси аҳдномаларга эришишни қийинлаштирмаслик учун ҳар иккала томон аввало Женевада эришилган аҳдномаларга путур етказувчи ҳаракатлардан тийилиб туриши зарурлигига ишончимиз комил. Музокараларга тўсқинлик қиладиган, қуролланиш пойгасининг амалдаги чекловларини йўққа чиқарадиган хатти-ҳаракатлардан тийилиб туриш керак. Бу нарса жумладан ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги шартномага ҳалол ва аниқ риоя этилишини, шунингдек томонларнинг СҚЧ-2 шартномасидаги тегишли қоидаларга бундан буён ўзаро риоя этишларини тақозо қилади.

Аммо энг муҳими, албатта, шундаки, қуролланиш пойгасини ҳақиқатан ҳам тўхтатиш учун имконият яратиш ва тўпланган ядровий аслаҳаларни камайтириш йўлидаги амалий тадбирларга киришиш лозим.

Шундай имконият мавжудми? Ҳа, шундай имконият мавжудлигига ишончимиз комил. Тўғри, ҳозирги вақтда ядро қуролларини камайтириш тўғрисида биз билан Американинг таклифлари кўп жиҳатдан тафовут қилади. Аммо биз бу ҳолни фожиага айлантираётганимиз йўқ. Бунда муросали ечимлар бўлиши мумкин, зотан биз уларни излаб топишга тайёрмиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, воқеалар шундай ривожланган тақдирда ишончли контрол масалалари ҳам ҳал этилган бўлур эди. Совет Иттифоқи шундай контролдан ғоят бевосита манфаатдордир. Бунда айниқса гап қуролсизланиш тўғрисида, мамлакат мудофааси ҳақида борганида сўзга умид боғлаб бўлмайди.

Лекин мана шу барча масалаларни ҳал этиш учун космосга қурол чиқиб кетиши мумкин бўлган эшикни тақа-тақ ёпиш мутлақо зарурдир. Шундай қилинмаса ядро қуролларини тубдан қисқартиришнинг иложи йўқ. Буни мен халқ номидан ва унинг олий ҳокимият органи номидан зўр масъулият билан айтмоқчиман. **(Давомли қарсаклар).**

Аҳдномада иккала томоннинг манфаатлари ҳисобга олинган тақдирда унга эришиш мумкин. Америка томонининг космик қурол яратишни қаттиқ туриб давом эттириш муддаоси фақат бир натижа бериши: ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш имкониятига тўсқинлик қилиши мумкин, холос. Ўз-ўзидан равшанки, бундай натижа бутун дунё халқларининг, шу жумладан, ишончим комилки, америка халқининг ҳам ҳафсаласини жуда пир қилган бўлур эди.

Ҳозир ядро уруши хавфини кескин камайтириш, сўнгра эса шундай уруш чиқиши имкониятини батамом бартараф этишнинг реал имконияти мавжуд. Бундай имкониятни қўлдан чиқариш ҳалокатли хато бўлади. СМТ хусусида Женевада айтилган гаплар Америка томонининг охирги сўзи эмас, деб умид қиламиз.

Биз президент Рейган билан ядровий ва космик қуролларга бағишланган Женева музокараларидаги делегацияларимизга музокараларни иккала мамлакат ўртасида январь ойида эришилган аҳднома асосида олиб бориб, жадаллаштиришни топшириш тўғрисида шартлашиб олдик. Шундай қилиб, иккала томон космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш, бу масалани ядровий қуролларни қисқартириш билан комплекс равишда ҳал этиш зарурлигини олий даражада тасдиқлади. Совет Иттифоқи айни мана шунга эришиш учун ҳаракат қилади. Биз Америка Қўшма Штатларини айни мана шунга даъват этамиз. Биз биргаликда ўз зиммамизга қабул қилган мажбуриятни амалда бажариб, бутун дунё халқларининг ишончини оқлаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Вақт ўтган сари ядровий синовларни тўхтатиш тўғрисидаги масала тобора ўткирлашиб бормоқда. Аввало, шунинг учунки, ядро синовларини тўхтатиш ядро қуролининг янги турларини яратишга ва мавжуд турларини такомиллаштиришга чек қўйган бўлур эди. Сўнгра, шунинг учунки, синовларсиз, қуролларни янгиламай ядро аслаҳахоналари тугаб бориши, ядро қуролининг йўқ бўлиши жараёни босқичма-босқич давом этган бўлур эди. Ниҳоят, шунинг учунки, ядро портлатишлари (бундай портлатишлар эса юзлаб ўтказилмоқда) ажойиб Ер сайёрамизни шикастлашига, келгуси авлодлар унда қандай яшаши учун хавотирлик кучайтирилишига бундан буён йўл қўйиб бўлмайди.

(Давоми учинчи бетда).

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари депутат М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Боши 1 ва 2 бетларда).

Шу боисдан Совет Иттифоқи ядро портлатишларининг барча турларини 1986 йилнинг 1 январигача тўхтатиб қўйишни эълон қилди, у АҚШ томони ҳам шундай иш кўрган тақдирда бу тадбир муддатини узайтиришга тайёрдир. Биз АҚШ раҳбарларидан бутун вазиятга жуда қулай таъсир ўтказадиган, уни кўп жиҳатдан ўзгартиб, мамлакатларимиз ўртасида ишончни мустаҳкамлайдиган конкрет ва ижобий қарорларни кутамиз.

Биз бу масалани Женевада Америка президенти олдига қўйдик.

Бунга сукут билан жавоб қилинди. Дарҳақиқат, ядро синовларини тақиқлашга қарши аслида ҳеч қандай оқилона далиллар йўқ. Баъзида контролнинг қийинлигини рўкач қилишади. Аммо Совет Иттифоқи миллий воситалар билан шундай контролни амалга ошириш бемалол мумкинлигини яққол намойиш қилди. Биз бу йил АҚШда ўтказилган ва у эълон қилмаган жуда кам қувватли ер ости ядро портлатишини қайд этдик. Биз халқаро контроль ўрнатилиши эҳтимолини ҳам кўриб чиқишга тайёрмиз. Шу муносабат билан олти давлат мурожаатномасида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар эътиборга лойиқдир. Ана шу давлатлар синовларнинг тўхтатилиши тўғрисидаги аҳдномалар қандай бажарилаётганлигини кузатиш учун ўз мамлакатлари территориясида махсус станциялар яратишни таклиф қилишган эди.

Ядро синовлари тўхтатилишини бутун дунё баралла талаб қилмоқда. Куникеча БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган резолюция синовлар тўхтатилишига даъват этади. Фақат уч мамлакат — АҚШ, Англия, Франциягина бунга қарши овоз берди. Бу чуқур таассуфга лойиқдир.

Аммо ҳали вақт бор. АҚШ ва ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларнинг раҳбарлари очилган имкониятдан фойдаланадилар, тинчлик манфаатларига амал қилиб, зарур масъулиятни намоён этадилар, деб ўйлайман. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, ядро портлатишларини тўхтатиб қўйган қароримиз ўз кучида қолмоқда, зотан биз шу масаланинг СССР Олий Совети сессиясида муҳокама этилиши барча ядро синовларини реалистик тарзда ва дарҳол тақиқлашга қилинган қатъий даъват деб баҳоланишига умид қиламиз.

Умуман Совет Иттифоқи хоҳ космосда ёки ерда хоҳ ядровий, химиявий ёки оддий қуроллар билан қуролланиш пойгасининг барча йўлларини ёпиб қўядиган кенг қамровли тадбирлар комплексини таклиф этмоқда. Венада ҳам, Женевада ҳам, Стокгольмда ҳам бу хусусдаги конкрет таклифлар маълум. Бу таклифлар кучида қолиб, ўз актуаллигини батамом сақлаб қолмоқда.

Европа тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш керак. Бунда ҳарбий қарама-қарши туриш даражаси бундан буён ошиб кетишига йўл қўймаслик вазифаси ҳар қачонгидан кўра ўткир бўлиб турибди. Европа уйи-география ва тарих ўнлаб мамлакатлар ҳамда халқларнинг тақдирини ўзаро чамбарчас боғлаган умумий уйдир. Европаликлар халқаро муносабат ва ҳамкорликнинг оқилона нормаларига амал қилиб, фақат коллектив равишдагина ўз уйларини сақлаб қолишлари, уни яхшироқ ва хавфсизроқ қилишлари мумкин.

Биз шунга асосланамизки, маданият, илм-фан, техника, илғор ижтимоий тафаккур соҳасида дунёга жуда кўп нарсаларни берган Европа ҳозирги халқаро ҳаётнинг ғоят мураккаб проблемаларини ҳал этишда ҳам намуна кўрсатишга қодирдир. Ўн йил муқаддам Хельсинкида бунга асос яратилган эди. Пировард натижада Европадаги вазиятнинг ижобий ривожланишидан бутун дунё, шу жумладан Қўшма Штатлар ҳам наф кўришига ғоятда аминмиз. Биз жафокаш Европа қитъасида кескинликни юмшатиш принциплари ва сиёсати зўр ғайрат билан мустаҳкамланиши, ўтмиш сарқитлари, кейинги йиллардаги муҳолифлик оқибатлари бартараф этилиши манфаатлари йўлида ишладик ва ишлайверамиз.

Бу ерда савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисида алоҳида айтиб ўтишни истардим. Ғарбдаги кўпгина мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари биз билан бирмунча кенгроқ иқтисодий алоқалар боғлашни хоҳлардилар. Шу ҳақда, кенг миқёсдаги мулоқотларга, биргаликдаги катта-катта лойиҳаларни бошлашга тайёрлик тўғрисида мен ана шу доираларнинг жуда нуфузли намояндаларидан эшитишимга тўғри келган. Менимча, кимнидир «жазолаш», шеригига зиён етказиш умидида бундай амалий ҳамкорликка бўлган табиий интилишни чеклашга уринаётган сиёсий арбоблар сира оқилона иш қилмаяптилар. Бундай сиёсат аллақачон умрини яшаб бўлган. Куч-ғайратни бошқа нарсага, савдо-сотиқ ва илмий-техникавий айирбошлашларга тотувлик ва ишончнинг моддий базасини мустаҳкамлашга сарфлаш анча фойдалидир.

Европада, бошқа қитъаларда халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва ҳамкорлик учун курашда биз бундан буён ҳам Варшава Шартномасидаги иттифоқчиларимиз билан, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар билан ўзаро қалин ҳамкорлик қилаверамиз. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳар қандай ҳолларда ҳам ўз халқлари хавфсизлигига путур етказмайдилар. Улар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда социал-иқтисодий ривожланиш мақсадлари йўлида ўз куч-ғайратларини тобора кўпроқ бирлаштиравeрадилар.

Қўшилмаслик ҳаракати билан баҳамжиҳат ҳаракат, жумладан Ҳиндистон республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорлик халқаро муносабатларни соғломлаштириш учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Ҳиндистон республикасининг халқи ва раҳбарларига биз ғоят чуқур ҳурмат туйғуларини изҳор этамиз. **(Қарсаклар).**

Совет раҳбарлари Осиё-Тинч океан регионига жиддий аҳамият бермоқдалар. Совет Иттифоқининг энг олисга чўзилган чегаралари — Осиёда, бу ерда қўшни Монголиядан Социалистик Вьетнамгача содиқ дўстларимиз, ишончли иттифоқчиларимиз бор. Бу регион кескинлик манбаи, ҳарбий қарама-қарши туриш соҳаси бўлмаслигига эришиш ниҳоятда муҳимдир. Биз тинчлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик манфаатларини кўзлаб бу ерда жойлашган барча давлатлар ўртасида сиёсий мулоқот кенгайтирилиши тарафдоримиз.

Биз космос ҳарбийлаштирилишига қарши чиқаётган Хитой Халқ Республикасининг позициясини, унинг биринчи бўлиб ядро қуроли ишлатишдан воз кечиш тўғрисидаги баёнотини табриклаймиз.

Биз Япония билан яхши муносабатлар тарафдоримиз, шундай имконият реаллигига аминмиз. Бундай имконият бизнинг мамлакатларимиз бевосита қўшнилар эканлигидан иборат оддий фактнинг ўзидан келиб чиқади. Ядро уруши хавфини бартараф этишдек туб масалада СССР билан Япониянинг манфаатлари мос келмаслиги мумкин эмас.

Лотин Америкаси, Африка, Яқин Шарқдаги кўпгина давлатлар билан бизнинг ўртамизда тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилган. Совет Иттифоқи ана шу муносабатларни ривожлантириш устида бундан буён ҳам собитқадамлик билан ишлайверади. Биз турли қитъаларда жойлашган ва социлистик ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар билан таркиб топган қалин алоқаларни алоҳида қадрлаймиз.

Ҳозир бутун дунё халқлари олдида кўпгина шундай масалалар пайдо бўлдики, уларни биргаликда ва фақат тинчлик шароитидагина ҳал этиш мумкин. Бундан бир неча ўн йил илгари ҳам одамлар аслида жиддий экологик муаммоларни билишмаган эди. Аммо ҳозирги авлоднинг ўзиёқ ўрмонлар жуда кўплаб қуришининг, жониворлар йўқ бўлиб кетишининг, дарёлар ва сув ҳавзалари заҳарланишининг, чўл зоналари кенгайиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибди. Келгуси авлодлар дунёни қай ҳолда кўрадилар? Табиатни ваҳшийларча вайрон қилиш тўхтатилмаган, ҳозирги замоннинг иқтисодий, техникавий ва илмий ютуқлари инсоннинг мавжудлиги ва камол топиши шароитларини, унинг яшаш муҳитини таъминлаш эҳтиёжларига эмас, балки қирғин қуролларини такомиллаштиришга қаратилган тақдирда келгуси авлодлар шундай дунёда яшай оладиларми?

Ёки энергетикани олиб кўрайлик. Биз ҳозирча асосан ер бағри инъомлари ҳисобига яшаб турибмиз. Лекин деярли ер юзасида ётган нарсалар тугаб бормоқда, улардан бундан буён фойдаланиш эса тобора қимматга тушмоқда, тобора қийин ишга айланиб қолмоқда. Қолаверса бу манба абадий ҳам эмас.

Юксак даражада ривожланган бир тўда капиталистик мамлакатлар билан қисмати қашшоқлик, очарчилик, ночорлик бўлиб қолган жуда кўп ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ортиб бораётган тафовут ҳам хатарли ларзалар келтириб чиқариши мумкин. Ана шу икки жаҳон қутблари ўртасидаги жарлик тобора кенгайиб, муносабатлар эса тобора антагонистик тус олмоқда. Ривожланган капиталистик мамлакатлар ўзларининг худбинлик сиёсатини ўзгартирмас эканлар ана шу муносабатлар бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Инсоният ўз кучи ва ақл-заковатини бирлаштирган тақдирда у мана шу барча муаммоларни ҳозир ҳал этишга қодирдир. Ўшанда цивилизацияни ривожлантиришда янги чўққиларга эришиш мумкин бўлиб қолади.

Милитаризм халқларга душмандир. Ҳарбий саноат комплекси мўмай фойда кетидан қувиб авж олдираётган қуролланиш пойгаси телбаликдан бошқа нарса эмас. Қуролланиш пойгаси барча мамлакатлар ва халқларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига зарба урмоқда. Шу боисдан ҳам ядро қуролини йўқ қилиш ўрнига қуролланиш пойгасини яна космосда ҳам ёйишни бизга таклиф этишаётганида биз қатъий қилиб «йўқ» деймиз. «Йўқ» дейишимизнинг боиси шундаки, бундай қадам маблағларни яна телбаларча исроф қилишни билдиради. «Йўқ» дейишимизнинг боиси шундаки, бу нарса жаҳон узра пайдо бўлган хавф-хатар кучайтирилишини билдиради. «Йўқ» дейишимизнинг боиси шундаки, ҳаётнинг ўзи қурол-яроғлар соҳасида мусобақани эмас, балки тинчлик манфаатлари йўлида биргаликда ҳаракат қилишни талаб этмоқда.

Совет Иттифоқи — халқаро ҳаёт шу йўналишда ривожланишининг қатъий тарафдоридир. **(Қарсаклар).**

СССРнинг ташаббусига биноан турли мамлакатлар олимларининг иштирокида «Токамак» термоядро реакторининг лойиҳасини ишлаб чиқиш бошланди. Бундай реактор энергетика проблемасини тубдан ҳал этиш имкониятини очади. Олимларнинг айтишларича шу асрнинг ўзидаёқ «ер қуёши» — термоядро энергиясининг битмас-туганмас манбаини вужудга келтириш мумкин. Женевада бу муҳим ишни давом эттириш тўғрисида шартлашиб олинганлигини мамнуният билан қайд этамиз.

Мамлакатимиз космосда тинч ҳамкорлик қилиш, Жаҳон космик ташкилотини тузиш катта программасини БМТга кўриб чиқиши учун тақдим этди. Жаҳон космик ташкилоти космосни тадқиқ этиш, ўзлаштириш соҳасида мамлакатларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштирган бўлур эди. Бунинг учун имкониятлар ҳақиқатан ҳам битмас-туганмасдир. Булар — фундаментал илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини геология, медицина, материалшунослик, иқлим ва табиий муҳитни ўрганиш соҳасида қўлланишдир. Булар — йўлдошлардан фойдаланиб жуда кенг алоқа системаларини, ерни масофадан зондлаш системаларини яратишдир. Булар, ниҳоят, янги космик техникани, жумладан катта орбитал илмий станцияларни, киши бошқарадиган турли кемаларни яратиш ва улардан барча халқларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш, келгусида эса ер атрофи фазосини индустрлаштиришдир. «Самовий урушлар» режаларига қарши реал йўл мана шундай бўлиб, у бутун инсониятнинг тинч келажагига қаратилгандир.

Совет Иттифоқи Жаҳон океани ресурсларидан хўжалик мақсадида фойдаланиш режими тўғрисида халқаро конвенция тузишнинг актив қатнашчиларидан бири бўлиб майдонга чиқди. Шу вазифанинг ҳал этилиши ҳам инсоният цивилизацияси тараққиётини таъминлаш, ҳозирги жамият эга бўлган имкониятларни кенгайтириш ва кўпайтириш учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Биз бутун дунёга, шу жумладан капиталистик давлатлар дунёсига фан-техника революцияси даври инсоният олдида очаётган янги имкониятларни ҳисобга олувчи ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг узоқ муддатли, ҳар томонлама кенг программасини таклиф этмоқдамиз. Бу программани амалга оширишда ҳам Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари каби икки давлатнинг ҳамкорлиги жуда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлур эди.

Бизнинг сиёсатимиз равшан — у ҳам бўлса тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатидир.

Ўртоқлар! Ташқи сиёсатимиз муваффақиятларининг манбаи — социалистик тузумнинг ички табиатидан келиб чиқади. Коммунистик партия ўзининг ички ва ташқи сиёсатини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигини яхши сезади ва юксак қадрлайди. Миллионларнинг кундалик амалий иши ана шу қўллаб-қувватлаш ифодасидир. Халқ хўжалигида эришилган натижалар — нафақат иқтисодий, шу билан бирга жуда муҳим маънавий-сиёсий якун бўлиб, у биз амал қилаётган йўлнинг тўғрилигидан далолат беради.

Олдимизда муҳим ва қийин ишлар турибди: «Аммо қийинчилик демак — бажариб бўлмаслик демак эмас, — деб таълим берган эди улуғ Ленин. — Тўғри йўл танланганлигига ишонч бўлмоғи муҳим ва бинобарин, бундай ишончнинг бўлиши революцион ғайрат ва революцион ташаббускорликни юз карра оширади...». Партияда ва совет халқида шундай ишонч борки, у кучимизни оширмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳар бир коммунист, ҳар бир ишчи, ҳар бир деҳқон, ҳар бир инженер ва олим, ҳар бир меҳнат коллективи ўз бурчини Ватан олдидаги юксак масъулиятини англаб, адо этишига ишончимиз комил.

Ҳар бир иш жойида 1986 йилги планлар муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарилиши учун, мамлакатимиз яна ҳам бадавлат ва қудратли бўлиши, ер юзида тинчлик иши эса мустаҳкамланиб, ғалаба қозониши учун ҳамма ишлар қилинишига ишончимиз комил. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

ЖАДАЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

26 ноябрь куни соат 14 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси бошланди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Н. В. Тализин, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, И. В. Капитонов** ўртоқларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Иттифоқ Советининг Раиси **Л. Н. Толкунов** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли учинчи сессиядан кейин ўтган вақт ичида вафот этган депутат А. А. Епишевнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олди.

Сўнгра депутатлар палата мандат комиссияси раиси **К. С. Демирчян** доклади юзасидан янги сайланган депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Мажлисда Иттифоқ Советининг баъзи доимий комиссиялари составига ўзгартишлар киритилди. Депутат Г. П. Разумовский қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси, депутат А. Ф. Пономарев агросаноат комплекси комиссиясининг раиси, депутат К. Саликов халқ маорифи ва маданият комиссиясининг раиси этиб сайландилар.

Иттифоқ Совети план-бюджет комиссиясининг раиси **В. А. Масол** СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда 1985 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида, СССРнинг 1986 йилги Давлат бюджети ва 1984 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида Иттифоқ Совети доимий комиссияларининг қўшимча докладини қилди.

Депутатлар — комиссия аъзолари шуни чуқур мамнуният билан қайд этдиларки, деди у, партия ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошираётган ўзгартишлар меҳнаткашларнинг истак ва кайфиятларини тўла-тўкис ифода этади.

Комиссиялар халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғидаги, ҳар бир иттифоқдош республика экономикасидаги ишларнинг аҳволини партиянинг иқтисодий ва социал ривожланишни жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлидан келиб чиқиб, муфассал анализ қилдилар.

Нотиқ хом ашёдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ресурсларни тежаб-тергаш тўғрисида гапириб, СССР Госплани, СССР Госснаби, СССР Фан ва техника давлат комитети, бошқа идоралар бу масалаларни Умумиттифоқ даражасида ҳозирча ниҳоятда секинлик билан ҳал этаётганликларини уқтириб ўтди.

Комиссиялар СССР Госпланига, СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига айни вақтда молларнинг сифатини анча оширган ва хилларини яхшилаган ҳолда уларни ишлаб чиқаришни талай даражада кенгайтириш учун имкониятларни излашни давом эттиришни таклиф қилдилар. Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши бутун халқ қўллаб-қувватлаган кураш олиб борилаётган шароитда одамларнинг мароқли, фойдали дам олиши учун бозорни яхши моллар билан кўплаб таъминлаш яна ҳам каттароқ аҳамият касб этади.

Нотиқ СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини ҳамда СССРнинг 1986 йилги Давлат бюджетини комиссиялар киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида шу комиссиялар номидан таклиф киритди. 1984 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни СССР Министрлар Совети тақдим этган миқдорларда тасдиқлаш тўғрисидаги таклиф ҳам киритилди.

Келгуси йил ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили сифатида ўз вазифалари жиҳатидан мураккаб ва масъулиятли йилдир. Шу йилда кейинги йиллардаги тобора жадаллашишнинг мустаҳкам замини яратилиши лозим.

Пировардида В. А. Масол ишонч билдириб айтдики, мамлакат меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, партия ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча ишларни қиладилар.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **В. К. Гусев** музокараларни бошлаб, янги беш йилликда Россия Федерацияси меҳнаткашлари ҳал этиши лозим бўлган кенг миқёсли вазифаларга тўхталиб ўтди. У республикада социал-иқтисодий ривожланишнинг боришига тўсқинлик қилаётган ўткир проблемалар ва катта камчиликлар мавжудлигини таъкидлади.

Сўнгра Украина касаба союзлари республика Советининг раиси депутат **В. А. Сологуб,** Минскдаги «Интеграл» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пайвандчиси депутат **А. Д. Шлапакова**лар сўз оладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Ғ. Ҳ. Қодиров**га сўз берилади (Ғ. Ҳ. Қодиров нутқи газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари депутат **В. И. Калашников** нутқида Волгоградни социал-иқтисодий ривожлантириш масалалари катта ўрин олди.

Нотиқ ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирлар ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлади.

СССР оғир ва транспорт машинасозлиги министри депутат **С. А. Афанасьев** қуйидагиларни айтди: ҳар бир корхона, бирлашмани ва умуман тармоқни техника билан қайта жиҳозлаш тармоқ комплекс программалари бутун ишимизнинг ўзагидир. Бу программаларда келгуси беш йилликдаёқ энг юқори замонавий техника даражасига чиқиб олиш вазифаси қўйилган.

Қора металлургияни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор берилади. Нотиқ ишонтириб айтдики, тармоқ раҳбарлари Тюменда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи кенгашида машинасозлар шаънига айтилган танқиддан тегишли хулосалар чиқариб олишди.

Бу йил республикада, деди Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. А. Назарбаев,** гўшт, сабзавот етиштиришда муайян ўсишга эришилди. Аммо бу рақамлар планда белгиланганидан барибир пастдир. Ҳар бир совхоз ва колхозда технология интизомига қатъий риоя этилган, маҳаллий совет ва хўжалик органлари кадрларнинг ижодий ишлаши учун, инсон омилини интенсивроқ сафарбар этиш учун барча шароитларни яратганларида, Қозоғистон агросаноат комплекси ходимлари меҳнатининг самараси яна ҳам салмоқлироқ бўлур эди.

Литва ССР Шилут районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг директори депутат **З. С. Докшас** ўз нутқини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни ошириш проблемаларига бағишлади.

Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Д. Л. Картвелишвили** минбарга чиқади. У бутун мамлакат каби республика ҳам ўтган йиллар мобайнида эришган муваффақиятларни қайд этиб, Грузияда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг катта имкониятларига тўхталиб ўтди.

КПСС Архангельск область комитетининг биринчи секретари депутат **П. М. Телепнев** асосий эътиборни камчиликларга, нуқсонларга, ҳал этилмаган проблемаларга қаратди.

Октябрь 50 йиллиги номидаги Ўш ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси депутат **Д. А. Қодирова** реконструкциялаш проблемалари тўғрисида гапирди. У меҳнат коллективи қўшимча уй-жойларга, маданий-маиший ва мактаб муассасаларига жуда муҳтож эканлигини ҳам қайд этиб ўтди.

Бутуниттифоқ электр машинасозлиги илмий-тадқиқот институтининг директори депутат **И. А. Глебов** ўз нутқида фан-техника тараққиётининг Ленинград халқ хўжалиги комплекси ишидаги иқтисодий кўрсаткичларни такомиллаштиришга ҳал қилувчи таъсир ўтказаётганлигини кўрсатувчи конкрет мисоллар келтирди.

И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводининг бош директори депутат **В. Т. Сайкин** ўн иккинчи беш йилликда автозаводчилар тежамли дизель мотор ўрнатилган қудратли автомобилларни кўплаб ишлаб чиқара бошлашларини маълум қилди. Идоралараро тўсиқларни енгиб ўтиш — беш йиллик тиғиз планларини бажаришнинг муҳим резервидир, деб таъкидлади у.

Центросоюз правлениесининг раиси депутат **М. П. Трунов** маҳсулот тайёрлаш фаолияти кенгайтирилганлиги, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўпайганлиги ва матлубот кооперациясида хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланганлиги ҳақида гапирди.

Свердлов область меҳнаткашларининг асосий куч-ғайратлари якунланаётган йил ва умуман беш йиллик топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажаришга қаратилганлигини Свердлов область ижроия комитетининг раиси депутат **О. И. Лобов** таъкидлаб ўтди. Унинг нутқида бошқаришни такомиллаштириш, Уралнинг кичик шаҳарларида корхоналарни реконструкциялаш зарурлигига катта эътибор берилди.

КПСС Липецк область комитетининг биринчи секретари депутат **Ю. А. Манаенков** техника реконструкцияси проблемаларига тўхталди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

26 ноябрь куни соат 14 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Миллатлар Советининг биринчи мажлиси бошланди.

В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, М. В. Зимянин, В. П. Никонов ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис **А. Э. Восс** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар В. Ф. Гарбузов ва В. П. Макеев хотирасини ҳурмат билан эсга олди.

Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг раиси **О. С. Мирошхин** янги сайланган депутатларнинг ваколатлари текширилганлиги тўғрисида Мандат комиссияси номидан доклад қилди. Доклад юзасидан тегишли қарор қабул этилди.

Палатанинг мажлисида палата баъзи доимий комиссияларининг составига ўзгартишлар киритилди. Депутат Б. К. Пуго Ёшлар ишлари бўйича комиссия раиси қилиб сайланди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани тўғрисида ва 1985 йилги план қандай бажарилаётганлиги ҳақида, СССРнинг 1986 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1984 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида Миллатлар Совети План-бюджет комиссиясининг раиси **Н. И. Масленников** Миллатлар Советининг доимий комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

Сессияда кўриб чиқилаётган ҳужжатлар, деб таъкидлади у, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларининг, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашнинг йўл-йўриқларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Палаталарнинг доимий комиссиялари мамлакатнинг 1986 йилги план ва бюджетини дастлабки тартибда кўриб чиқдилар, бу йилги план топшириқлари қандай бажарилаётганини таҳлил этдилар. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмларини чакана нархларда жами 182,9 миллион сўмлик кўпайтириш имкониятини қидириб топдилар.

Шу тузатишларни эътиборга олиб, нотиқ СССРнинг 1986 йилги Давлат бюджетини даромадлар бўйича 414.544.276 минг сўм миқдорида, харажатлар бўйича 414.341.861 минг сўм миқдорида, даромадларни харажатлардан 202.415 минг сўм ортиқ қилиб тасдиқлашни таклиф этди.

Доимий комиссиялар халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш вазифасини ҳал этишнинг бош омилларидан бири бўлмиш янги техникани жорий қилиш планлари қандай бажарилаётганини таҳлил этишга катта эътибор бердилар.

Комиссиялар халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш негизи бўлмиш машинасозликни ривожлантиришга оид план топшириқларини синчиклаб кўриб чиқдилар. Маҳсулот сифатини ошириш соҳасида катта иш қилиниши керак.

Қурилиш комплексидаги аҳвол энг кескин муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бир қанча тармоқлардаги ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришнинг суръатлари сустлиги депутатларни жуда ташвишлантирмоқда.

Ресурсларни жуда қаттиқ тежамай туриб, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг планлаштирилаётган суръатларига эришиб бўлмайди.

Депутатлар капитал маблағ самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланадиган моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигига агросаноат комплексини идора қилувчи органларнинг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг алоҳида эътиборини қаратдилар.

1986 йилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизматларни янада ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Комиссияларнинг хулосаларида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тўғрисидаги бўлим алоҳида кўрсатилган.

СССР плани ва бюджетининг кўрсаткичлари партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлига мос бўлиб тушади, деб уқтирди пировардида депутат.

Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари депутат **В. Г. Бойко** музокараларни бошлаб берди.

Нотиқ область меҳнаткашларининг муваффақиятлари ҳақида гапириб, айниқса индустриянинг базавий тармоқларида, кадрлар билан ишлашни қайта қуришда эришилган натижалар ошиб бораётган талабларга ҳали мувофиқ эмаслигини қайд этди.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **В. И. Казаков** республикада кўпгина кўрсаткичлар бўйича анчагина юқори ўсиш суръатлари белгиланаётганини уқтириб ўтди.

Сўнгра нотиқ агросаноат комплекси структурасини ва уни идора қилишни такомиллаштириш тўғрисида қабул қилинган қарорлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда маҳаллий органларнинг роли ва масъулиятини ошириш учун шарт-шароит яратишини таъкидлади.

Целиноград область Қўрғалжин районидаги Омонгелди номли совхоз механизатори депутат **Н. В. Геллерт** 17 йилдан бери қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайди. Ўсиш суръатлари, айниқса сифат кўрсаткичлари ҳозир бизни қаноатлантира олмайди, деди шу аёл ўз нутқида. Кейинги уч йил мобайнида рўй бераётган жуда қаттиқ қурғоқчилик ғаллакорларнинг бутун меҳнати натижаларини пасайтириб юбормоқда. Биз мураккаб об-ҳаво шароитларида қандай қилиб барқарор ҳосил олинишини таъминлаш йўлларини қидиряпмиз.

СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри депутат **Б. В. Бальмонт** қуйидагиларни айтди. Тармоқдаги техника тараққиётининг бир қанча йирик вазифалари тўла ҳажмда ҳал этилмаяпти. Маҳсулотнинг ҳамма турлари ҳам ўзининг техникавий даражаси ва сифати жиҳатидан машинасозликни ривожлантиришнинг энг зарур вазифаларига мос келмаяпти. Машинасозликнинг қудратли юксалишини таъминлашда станоксозлик ролига асосланиб тармоқда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг умуман машинасозлик комплексига нисбатан бирмунча юқори суръати кўзда тутилмоқда.

Мажлисда Озарбайжон Компартияси Боку шаҳар комитетининг биринчи секретари депутат **Ф. Э. Мусаев,** Молдавия ССР Страшен район касалхонаси терапия бўлимининг мудираси депутат **Р. В. Серебрянская** нутқ сўзладилар.

Ўн биринчи беш йиллик республика меҳнаткашлари турмушида муҳим марра бўлиб қолди, деди Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Ғ. Паллаев.**

Ленинобод областидаги зилзила муносабати билан Тожикистонга берилган жуда катта ёрдам учун депутат Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига, қардош иттифоқдош республикаларга астойдил миннатдорчилик изҳор этди.

СССР балиқ хўжалиги министри депутат **В. М. Каменцев** тармоқ иши тубдан қайта қурилаётганини айтиб берди.

Арманистон ССР Ереван «Электроприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси асбобсоз слесарларининг бригадири депутат **Э. Т. Арутюнян,** Латвия ССР Стучка районидаги Плявиньск мактабининг директори депутат **Э. Я. Купча,** Чоржўй область партия комитетининг биринчи секретари депутат **Р. Худойбердиев** минбарга чиқадилар.

1986 йилги Давлат плани совет халқининг фаровонлигини янада оширишни кўзда тутади, деди Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Б. Э. Саул.** Шу сабабли республика меҳнаткашлари белгиланган режаларни бажарибгина қолмай, топшириқларни анча ошириб ҳам бажаришни ўз вазифалари деб билмоқдалар.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти — СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси депутат **В. А. Коптюг** тажриба-ишлаб чиқариш базаси жадал ривожлантирилган тақдирдагина илм-фаннинг имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш мумкинлигини таъкидлади.

Шундан сўнг «Социалистик Татаристон» газетаси номидаги колхоз раиси депутат **Х. Г. Галимуллин,** Хабаровск ўлка Совети ижроия комитетининг раиси депутат **В. С. Пастернак,** Устинов шаҳри уй-жой қурилиши бошқармасининг сувоқчилар бригадири депутат **Н. Н. Митрофанова** сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Балиқчи район комитетининг биринчи секретари депутат **А. Мўминовга** сўз берилади (А. Мўминов нутқи газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

Грузия ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг директори депутат **Т. В. Гамкрелидзе** ўз нутқининг катта қисмини фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини янада мустаҳкамлаш, тадқиқот ишларини интенсивлаш проблемаларига бағишлади.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Боши биринчи бетда)

Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини техника билан кенг кўламда қайта жиҳозлаш иши ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондининг тез ўсиб борувчи маблағлари, шунингдек, банк кредитлари ҳисобига тобора кўпроқ даражада амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлаш муҳимдир.

Депутатлар қишлоқ хўжалигини, агросаноат комплекси қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш масалаларини кенг кўламда муҳокама қилдилар.

Комиссияларнинг хулосаларида ва депутатларнинг нутқларида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани тўғрисидаги Қонуни бир овоздан қабул қилди.

Планда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари юзасидан қуйидаги ўсиш суръатлари белгилаб берилди.

(1985 йилга нисбатан ўсиш, процент ҳисобида).

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилувчи миллий даромад	3,8
ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	4,1
Саноат маҳсулоти — жами	4,3
шу жумладан: истеъмол молларини ишлаб чиқариш	4,9
Меҳнат унумдорлиги: саноатда	4,1
қурилишда	3,5
темир йўл транспортида	2,1
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	2,5

1986 йилда пул билан таъминлаш барча манбалари ҳисобидан жами саҳни 114 миллион квадрат метр уй-жой қуриш кўзда тутилади.

Депутатлар СССР Олий Советининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги қарорини бир овоздан қабул қилдилар.

СССР молия министрининг биринчи ўринбосари **В. В. Деменцев** СССРнинг Давлат бюджети тўғрисидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети, деди у, СССР Олий Советига тасдиқлаш учун тақдим этилган мамлакатнинг ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили бюджетини ҳар томонлама кўриб чиқди.

Палаталарнинг хулосаларида ҳамда депутатларнинг нутқларида бюджет яқдиллик билан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

Бюджет партиянинг жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришдан иборат стратегик йўлига тўла-тўкис мос келиб, экономикани ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш, давлатнинг мудофаа қобилиятини кучайтириш борасида мўлжалланган ҳамма тадбирларни пул билан таъминлаши айтилди.

План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялар бюджет даромадларини 145,1 миллион сўм кўпайтириш тўғрисида таклиф киритдилар.

Депутат айтдики, СССР Министрлар Совети СССР Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари айрим моддаларига таклиф этилган тузатишларни қабул қилишни маъқул, деб ҳисоблайди.

СССР Молия министрлиги бюджетни муҳокама қилиш чоғида СССР Олий Советининг депутатлари қўйган ҳамма масалаларни диққат билан кўриб чиқади ва унинг натижалари тўғрисида СССР Министрлар Советига аҳборот беради. Кўрилган чоралар депутатларга ўз вақтида маълум қилинади.

Депутатлар палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериб, СССРнинг 1986 йилги Давлат бюджети тўғрисида бир овоздан Қонун қабул қилдилар.

Сессия СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида СССР Олий Советининг қарорини бир овоздан қабул қилди.

Шундан сўнг депутатлар Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш асосий йўналишлари муносабати билан СССР ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисидаги Қонун асосларига ҳамда СССРнинг бошқа қонун актларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишга киришдилар.

СССР юстиция министри депутат **Б. В. Кравцов** ушбу масала юзасидан доклад қилди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш мамлакатимизда ёшларнинг бутун таълим-тарбия ишларини яхшилаш, уларни турмуш ва меҳнатга ҳар томонлама тайёрлаш йўлидаги катта босқичдир, деди у. Ислоҳотни амалга ошириш умумий таълим ва ҳунар мактаби ишини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариб, мактаб ўқувчилари таълим-тарбия жараёни мазмуни ва уни ташкил этишни, уларнинг марксча-ленинча таълимини, меҳнат билан тарбиялаш ва касб-корга йўналтиришни тубдан яхшилашга, ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлашни такомиллаштиришга, ёшларнинг умумий ўрта таълимини ялпи ҳунар таълими билан тўлдиришга имкон беради.

Буларнинг ҳаммаси мавжуд қонунларни КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасининг қоидаларини назарда тутиб, ислоҳотнинг асосий йўналишларига мувофиқлаштириш ва шу билан социал-маданий қурилишнинг ушбу доирасида ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг самарали ҳуқуқий омилларини яратиш заруратини тақозо этади.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисидаги Қонун асосларига ҳамда бошқа қонун актларига ислоҳотдан келиб чиқадиган зарур ўзгартишларни киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш вазифаси топширилган эди. СССР Олий Совети палаталарининг халқ маорифи ва маданият комиссиялари ҳамда қонун асосларини тайёрлаш комиссиялари манфаатдор министрликлар ва идоралар иштирокида мана шу топшириқни бажариш йўлида шундай тавсифларни тайёрлади. Ўтказилган иш якунларига кўра тегишли қонунларнинг лойиҳасини ҳам таърифлаб берди.

Ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим соҳаларидан бирини тартибга солувчи мавжуд қонунларни такомиллаштириш, деди пировардида депутат Кравцов, Коммунистик партия ва Совет давлати мамлакатимизда социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш эҳтиёжларини ҳамда коммунистик бунёдкорлик истиқболларини назарда тутиб, халқ маорифи системасини янада ривожлантириш борасида белгилаган тадбирларини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратади.

Миллатлар Советининг Халқ маорифи ва маданият комиссияси раиси **П. Н. Федосеев** СССР Олий Совети палаталари халқ маорифи ва маданият комиссияларини ҳамда қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш асосий йўналишлари муносабати билан СССР ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи соҳасида меҳнат коллективларининг роли ошганлиги ҳам қайд этилган.

Шу ҳужжатда совет қонунларининг асосий конституцион принципларидан бири — социалистик интернационализм принципи, миллати, ирқи, тили ва яшаш жойидан қатъи назар, барча совет гражданларининг тўла тенглиги ва ҳуқуқларининг бирлиги янада ривожлантирилди. ССР Иттифоқининг бутун территориясида иттифоқдош республикалар аҳолисининг миллий хусусиятлари ҳар томонлама назарда тутилгани ҳолда мазмунан ягона асосга таяниб, умумий ўрта таълимнинг ягона савияси таъминланади, малакали ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлашга бир хил талаб қўйилади. Умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг она тилида ёки СССРдаги бошқа халқлар тилида ўқиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамланган. Шу билан бирга, дарслар рус тилида олиб борилмайдиган ўқув юртларида она тили билан бирга совет кишилари миллатлараро муомала воситаси сифатида ихтиёрий қабул қилган рус тилини ўрганиш учун зарур шароитлар яратилади.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида ғоявий-тарбиявий ишнинг, етук, ижтимоий ҳаётда активликни кишини камол топтиришнинг жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Ана шу қоидалар қонун асосларининг лойиҳасида акс эттирилган.

Ҳозирги вақтда умумий таълим ва ҳунар мактаби олдига ўқувчилар замонавий ҳисоб техникасини эгаллаши, ўларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш, ишлаб чиқаришни чуқур ва мустаҳкам билиш каби янги вазифалар қўйилган.

Янги таҳрирдаги қонун асосларининг ўқувчилар ва студентларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисидаги нормалари ёш гражданларнинг ўқиши, меҳнати ва дам олиши тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик билан йўрғилган. Қонун асосларида Конституциянинг таълим барча турларининг текинлиги тўғрисидаги моддаси мустаҳкамланган, кенг ҳуқуқ ва имтиёзлар, шу жумладан, олинган касб ва малакага мувофиқ иш билан таъминлаш кўзда тутилади.

Ёшлар таълим-тарбияси мураккаб масалаларини муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, оммавий ахборот воситалари, барча гражданлар зиммасига ўқитувчи ва бошқа педагог ходимларнинг ролини, обрў-эътиборини оширишга ҳамма чоралар билан ёрдам бериш вазифаси юкланади. Педагог кадрлар тайёрлашга оширилган талаблар қўйилади. Халқ маорифи ходимлари учун бир қанча қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар, шунингдек, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш кўзда тутилган.

Янги таҳрирдаги Қонун асосларида СССР Конституциясининг гражданлар болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашлари, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстиришлари кераклиги тўғрисидаги моддаси ҳам келтирилган. Нотиқ бошқа қонун актларига баъзи ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳам таърифлаб берди.

Депутатлар палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериб, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисидаги Қонун асосларига ва СССРнинг бошқа қонун актларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида ССР Қонунларини бир овоздан қабул қилдилар.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. Н. Ментешашвили** СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида доклад қилди. Депутатлар доклад юзасидан тегишли қонун ва қарорларни қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси **М. С. Горбачев** олий даражада Женевада ўтказилган Совет-Америка учрашувининг якунлари ва халқаро вазият масаласи юзасидан доклад қилди.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Музокараларни бошлаб берган Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **В. В. Щербицкий** Совет-Америка музокараларида Совет Иттифоқининг изчил, принципиал, конструктив позияси, М. С. Горбачев Женевада ва ҳозир Олий Совет мажлисида қилган докладида халқаро вазиятни объектив чуқур анализ қилиб берганлиги партиямиз ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлга чексиз содиқ эканлигидан далолат беради, унинг инсоният тақдири учун гоят буюк масъулиятни тасдиқлайди, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Совет делегацияси халқимиз манфаатлари, иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз манфаатлари, халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида катта ва ниҳоятда муҳим ишни бажарди. Мана шу фаолиятни, Женевада эришилган аҳдлашувларни, шунингдек сессияда қилинган докладда баён этилган қоидалар, баҳолар ва хулосаларни тўла маъқуллаш лозим, деган фикрда ҳаммамиз якдилмиз.

Женевада шундай масалалар муҳокама қилиндики, халқларнинг бугунги ва эртанги куни мана шу масалаларга боғлиқ, деди Москва биринчи давлат подшипник заводининг пардозловчиси депутат **Н. М. Мотова**. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш фурсати етди. Биз болаларимиз ва набираларимизнинг келажагидан ташвишланмай, осойишта меҳнат қилишни хоҳлаймиз. Барча оддий кишилар, эркаклар ва хотин-қизлар ва, аввало, оналар шундай деб ўйлашларига ишонаман.

Женевада совет делегацияси қилган катта ишни бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллаб, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, мустаҳкам тинчлик ўрнатиш орзу-умидлари ушалиши учун ҳали жуда кўп ишлар қилиш лозимлигини тушунамиз, деб давом қилди нотиқ. Лекин тинчликка бўлган букилмас иродамизни ҳеч ким заифлик аломати деб билмасин. Қудратимиз беқиёсдир. Биз тузумимиз билан, коммунизм идеалларига садоқатимиз, партия билан халқнинг жипслиги билан қучлимиз.

Белоруссияда урушнинг нима эканлигини жуда яхши билишади, деди Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Н. Н. Слюньков**. Шунинг учун ҳам республика меҳнаткашлари тинчлик ниналар эвазига таъминланишини ҳам яхши билишади. У Белоруссия меҳнаткашлари номидан Совет делегациясининг Женева музокараларидаги фаолиятини маъқуллаш тўғрисида таклиф киритди.

Қардош республикалар ягона оиласида камол топган Совет Белоруссияси Советлар мамлакатининг юксак халқаро обрў-эътиборини бундан буён ҳам зарбдор меҳнати билан мустаҳкамлаб, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашчилар умумий сафидан муносиб ўрин олиб бораверади.

Совет қишилари Женевадаги учрашувнинг боришини зўр эътибор билан кузатиб турдилар, деди Кемерово областидаги «Нагорная» шахтасининг бригадири **Р. Н. Стахеев**. У ерда партиямизнинг ташқи сиёсати ленинча йўлга садоқат синовидан ўтди.

Советлар мамлакатининг ишчилар синфи Ватан мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳар бир кишн ўз жойида қандай меҳнат қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тушунади, деб уқтирди депутат. Ҳозир Кузбасс меҳнаткашлари ҳамма куч-қувватларини шу йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажаришга сафарбар этишган. «Ижодий изланиш — ҳар бир кишининг ишидир» шиори билан меҳнат қилаётган «Нагорная» шахтаси коллективи оширилган мажбуриятларини шараф билан бажаришга, Ватан қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга маҳкам бел боғлаган.

КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари депутат **Ю. Ф. Соловьев** Женевадаги учрашув якунлари Коммунистик партия, Совет давлати кейинги вақтларда энг мураккаб халқаро проблемаларни ҳал этишни, Совет-Америка муносабатларини яхшилашни кўзлаб сарфлаётган куч-ғайрат тўғрилигини тасдиқлади, деди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар олий раҳбарларининг Прагадаги учрашувида социалистик мамлакатлар Европа ва жаҳон ишларида яхшилик сари бурилиш бўлиши учун ўзларига боғлиқ ҳамма ишларни бажаришга аҳд қилганликлари тасдиқланди.

Шаҳарда ишлаб чиқилган «Интенсивлаштириш — 90» комплекс программаси ҳаражатлар қисқартирилгани ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга имкон беради, деди сўнгра депутат. Ватан қудратини мустаҳкамлашга қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш — КПСС XXVII съезди арафасида шаҳар меҳнат коллективлари фаолиятининг асосий мазмунидир.

Латвия ССР Прейль районидаги «Красний Октябрь» колхозининг раиси депутат **Р. В. Кавинский** инсоният шундай маррага етиб келдики, бунда қарорлар алоҳида донишмандлик билан қабул қилиниши, хатти-ҳаракатларда вазминлик ва эҳтиёткорлик, барча халқларнинг манфаатларини назарда тутиш талаб қилинади, деди. Партиямиз айни шундай ташқи сиёсатни ўтказмоқда.

Совет Иттифоқи Женевага қуролсизланишнинг ҳамма томонларини ўз ичига олувчи реалистик таклифлар билан борди, деди депутат. Совет кишилари қуролланиш пойгасини тўхтатиш жараёнини рўёбга чиқариш учун Америка томони ҳам сиёсий ирода кўрсатишини кутганлар, албатта. Таассуфки, Америка томони катта қарорларга келишга тайёр эмас экан. Халқаро иқлимни соғломлаштириш йўлидаги ҳамма ғовларни бирданига олиб ташлаб бўлмайди, албатта. Лекин Женевада эришилган натижаларнинг ўзи ҳам яхши умидлар бағишлайди.

Ёзувчи депутат **Ч. Айтматов** минбарга чиқади. Олий даражадаги Женева учрашувларининг якунлари, деди у, онгимизга кескинликни юмшатиш сари қайта тикланган силжишга умид бағишлаш билан бир қаторда энг муҳими, замонниинг ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатларини кўзлаб ақл-идрок йўлидан бориш талаблари муҳаққақ эканлигини янада катта куч билан ёритади.

Уруш даҳшатларидан қутилган инсон онги ҳаддан зиёд бунёдкорлик куч-ғайратларини ишга сола олади-ки, унинг ижобий натижаларини биз ҳозирча тасаввур этишимиз ҳам қийин. Ана шу жиҳатдан олганда кўпдан-кўп тинчлик таклифлари программасини олға сурган партиямизнинг снёсати аслида умуминсоний орзу-умидларнинг ифодасидир.

Совет олимлари, деди СССР Фанлар академиясининг вице-президенти депутат **Е. П. Велихов**, совет фани ва конструкторлик тафаккури агар зарурат бўлиб қолса, Американинг «самовий урушлар» режаларига қарши самарали чораларни қисқа муддат ичида тежамли йўл билан таъминлай олади, деб Женевада айтилган сўзларни ишнинг моҳиятини билишга таяниб, чуқур масъулият ҳисси билан тасдиқлашни хоҳлардилар.

Женевадаги учрашув тўғрисида жаҳон жамоатчилиги билдирган фикрлар Совет Иттифоқининг таклифлари халқларнинг орзу-умидларига мос бўлиб, мустаҳкам илмий заминга эга эканлигини кўрсатди. Совет Иттифоқи ҳарбийлаштириш йўлига бунёдкорлик йўлини, ҳамкорлик йўлини қарши қўйди.

СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали депутат **С. Ф. Ахромеев** совет делегациясининг Женевада тутган принципиал, қатъий ва шу билан бирга ижобий позициясини жанговарлар номидан тўла маъқуллади.

Аммо, деди нотиқ, бизга бошқа томоннинг тутган позицияси ҳам яхши маълум. АҚШда, НАТО блокига аъзо бўлган бошқа мамлакатларда объектив реалликларни назар-писанд этмай, термоядро урушн хавфи кучайишига олиб борувчи снёсатни амалга оширишга уринаётган таъсирли кучлар бор. Мана шуларни назарда тутиб, биз империализмнинг ҳарбий тайёргарликларини кузатиб боришимиз ва Армия билан Флотнинг жанговар тайёргарлигини матонат билан такомиллаштиришимиз, деди депутат. Куч тазйиқи олдида хавфсизлигимизни бўшаштирмаймиз, АҚШ ва НАТО блоки СССР билан Варшава Шартномасидаги мамлакатлардан ҳарбий жиҳатдан устун бўлишига йўл қўймаймиз.

Женевадаги учрашув, деди ВЦСПС раиси депутат **С. А. Шалаев**, Коммунистик партиянинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини амалга ошириш борасида муҳим босқич бўлди. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида шу йўл яна бир карра қатъий ва аниқ равшан ифодалаб берилди.

Нотиқ эндиликда урушга қарши ҳаракатни кучайтириш учун, БМТ халқаро Тинчлик йили деб эълон қилган келаётган 1986 йил, меҳнаткашлар Биринчи май байрамининг 100 йиллигини нишонлайдиган йил тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ҳал қилувчи йил бўлиб қолмоғи учун янги-янги имкониятлар яратилмоқда, деб таъкидлади.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг секретари, Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси **Е. К. Лигачев** нутқ сўзлади.

Бугун, деди у, ССР Иттифоқи Олий Совети иккала палатаси ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Олий Совет комиссиялари СССР Олий Советининг «Олий даражада Женевада ўтказилган Совет—Америка учрашувининг якунлари ва халқаро вазият тўғрисида»ги қарори лойиҳасини сессия муҳокамасига қўйди. Е. К. Лигачев қарор лойиҳасини ўқиб эшиттирди.

Депутатлар «Олий даражада Женевада ўтказилган Совет—Америка учрашувининг якунлари ва халқаро вазият тўғрисида» СССР Олий Советининг қарорини бир овоздан қабул қилдилар.

Шу билан ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси ўз ишини тугатди.

(ТАСС).

Зафарларимиз— КПСС XXVII съездига

• Шаҳар индустрияси рапорти

ЎН БИР ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Ўзбекистон пойтахтининг ишлаб чиқариш коллективлари якунловчи йил учун зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш учун курашни авж олдириб, 26 ноябрь куни товар маҳсулоти ва саноат буюмларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн бир ойлик планни бажардилар.

Съездолди зарбдор вахтасини давом эттираётган шаҳар индустриясининг ходимлари шу ойнинг охирига қадар декабрь ойи шартнома мажбуриятн ҳисобига ўн минглаб сўмлик машинасозлик, приборсозлик, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадн.

Январь-ноябрь ойлари планларининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли уддаланганлиги ҳақида биринчилардан бўлиб рапорт берган Ленин, Октябрь, Ҳамза, Собир Раҳимов ва бошқа районларнинг ишлаб чиқариш коллективлари шу кунларда «Инлик план— муддатидан илгари» шиори остида меҳнат қилишмоқда.

Янги таҳрирдаги КПСС Программаси лойиҳаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини кенг муҳокама қилаётган саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари асосий эътиборни 1985 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли уддалаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олишга қаратишмоқда.

САМОЛЁТСОЗЛАР ЗАФАРИ

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашмоқдалар. Улар фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш ва айниқса, меҳнатни пухта ташкил этиш натижасида катта зафарларга эришмоқдалар. Самолётсозлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ўстириш бўйича **беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажардилар**. Корхонада меҳнат унумдорлиги кескин ошди.

Коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш илғорлари меҳнатда янада юксак марраларни эгаллашган. Ўн бир минг нафардан ортиқ илғор ишчи шахсий беш йиллик топшириғини бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекканларига анча бўлди. Бундай пешқадамлар сафида токарлар бригадаси бошлиғи В. Одилов, Т. Муслимов, А. Савельев ва бошқа ўнлаб ишчи-хизматчилар бор. Улар ҳар сменада нормани 120 процент ва ундан ҳам ошириб адо этмоқдалар. Азаматлар шахсий социалистик мусобақанинг ҳар ўн кунлик якунларида мукофотли ўринларни эгаллашмоқда.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари ЮСФР Республика деб эълон қилинганлигининг 40 йиллигини кенг нишонламоқдалар. Корхоналарда, маданият саройларида, ўқув юртларида йиғилишлар, дўстлик кечалари ўтказилмоқда, Югославия халқларининг тарихи ва ҳозирги ҳаётини тасвирловчи фотовиставкалар очилди.

Шонли санага бағишланиб 27 ноябрь куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши ўтказилди. Нотиқлар совет ва югослав халқларининг кўп йиллик дўстлиги ҳақида, бу дўстлик гитлерчилар фашизмига қарши биргаликдаги кураш йилларида мустаҳкамланганлиги тўғрисида мамнуният билан гапирдилар. 1945 йил ноябрида таъсис мажлиси қабул этган республика эълон қилиниши тўғрисидаги декларация Социалистик Югославияни барпо этиш йўлидаги тарихий босқич бўлиб қолди. СССР билан ЮСФР ўртасида иккала халқнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган, тинчлик ва социализм ишига хизмат қилаётган анъанавий ҳамкорликни ривожлантиришга Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, деб таъкидлашди нотиқлар.

Йиғилиш қатнашчилари дўст югослав халқига социализм қурилишида янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

КОМПОЗИТОРЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкентда Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. С. Бобоев ижодий ишга ўтганлиги муносабати билан правление биринчи секретари вазифасидан озод қилинди.

М. Тожиев Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети доимий вакилининг ўринбосари ўртоқ Геннадий Федорович **Шевченкони** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТВ

ПАЙШАНБА

28 НОЯБРЬ

● МТ I

17.50 Ф. Энгельс. Ҳаёти саҳифалари.
18.35 «Қувноқ нотачалар».
18.45 «Миллионлар ленинча университети».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.10 «Съездга нималар билан боряпмиз?» Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
20.30 «Константин Симонов». Ҳужжатли фильм премьераси. 1-серия. «Ёлғон, дўст ҳеч қачон ўлмайди».
21.30 «Время».
22.05 «Константин Симонов». Ҳужжатли фильм. 2-серия. «Қилинган барча ишлар».
22.55 «Дунё воқеалари».
23.10 МТ ва БР электр чолғу асбоблари оркестрининг концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Ритмик гимнастика.
19.25 «Қумдаги икки киши». Телевизион бадиий фильм премьераси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Пиёдалар: катталар ва болалар». Ҳужжатли фильм.
20.50 Совет Армияси «Красная звезда» ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Нижегород заминининг бўёқлари».
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. 2 ва 3-даврлар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим».
18.45 «Рус тили — армия хизматига чақирилувчиларга».
19.15 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.).
20.20 «Ичкиликсиз яшаш». «Ташаллик». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси «Лазги» ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ўзбек киноси усталари». Наби Ганиев.
23.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Биология.
19.20 «Икарлар». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ҳинд кинофильмларидан чўшиқлар.
20.15 Реклама.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССР тарихи. Уруш ва урушдан кейинги йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши.

Р. 06165. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Индекс 64690 А — 2276. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12